




**ФАРҒОНА ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ
МИНТАҚАВИЙ МАРКАЗИ**



“ЗАМОНАВИЙ ФАЛСАФАНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ”

**МОДУЛИ БЎЙИЧА
ЎҚУВ –УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**А.А.Қамбаров - ФарДУ
Фалсафа кафедраси доценти,
фалсафа фанлари номзоли**

2021

Мазкур ўқув-услугий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди ФарДУ Илмий кенгашининг 2020 йил «28» декабрдаги 2-сонли қарори билан тасдиқланган.

Тузувчи:

**А.А.Қамбаров - ФарДУ Фалсафа
кафедраси доценти, фалсафа фанлари
номзоди**

Такризчилар:

**И.М.Арзиматова -ФарДУ Фалсафа
кафедраси мудири, доцент, фалсафа
фанлари номзоди
Д.Э.Норматова - Фалсафа кафедраси
доценти, фалсафа фанлари номзоди**

МУНДАРИЖА

I.	ИШЧИ ДАСТУР	4
II.	МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ	15
III.	НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ	19
IV.	АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ	85
V.	ГЛОССАРИЙ	109
VI.	ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	118

I. ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ

КИРИШ

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармонларихамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

I. Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Замонавий фалсафанинг долзарб муаммолари” модулининг мақсади: педагог кадрларнинг ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада таъминлашлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини мунтазам янгилаш, малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари асосида уларнинг касбий компетентлиги ва педагогик маҳоратини доимий ривожланишини таъминлашдан иборат.

“Замонавий фалсафанинг долзарб муаммолари” модулининг вазифалари:

- “Фалсафа” йўналишидаги педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма ҳамда малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш механизмларини яратиш;

- замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;

- “Фалсафа” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциясини таъминлаш.

Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳамда компетентлигига қўйиладиган талаблар:

“Замонавий фалсафанинг долзарб муаммолари” модули бўйича тингловчилар қуйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

Тингловчи:

- “Замонавий фалсафанинг долзарб муаммолари” модулининг умумназарий масалаларини;

- Замонавий фалсафанинг жамият маънавий ҳаётидаги аҳамиятини;

- Замонавий фалсафанинг бошқа халқлар фалсафаси билан диалектик боғлиқлиги, унинг умумий қонуниятлари ва долзарб муаммолари ҳақида назарий билимларни билиши керак.

Модул бўйича соатлар тақсимоти:

№	Модулмавзулари	Тингловчиланингўқув юкلامаси, соат					
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкلامаси				Мустақил таълим
			жами	жумладан			
				Назарий	Амалий машғулот	Кўчма машғулот	
1.	Фалсафа фанининг замонавий фанлар тизимида тутган ўрни	2	2	2			
2.	Дунёни фалсафий идрок этишнинг ўзига хос хусусияти	2	2	2			
3.	Борлиқ фалсафаси ва унинг замонавий концепциялари	2	2	2			
4.	Фанда метод ва методология тушунчаси. Илмий билиш методлари	2	2	2			
5.	Ҳозирги замон методологияси: куматоид, кейс стади, абдукция	2	2		2		
6.	Аналитик фалсафанинг вужудга келиши	2	2		2		
7.	Аналитик фалсафанинг функционал характеристикаси	2	2		2		
8.	Аналитик эпистемология	2	2		2		
9.	Таркибий функционал таҳлил	2	2		2		
10.	Неореализм ва лингвистик таҳлилнинг мақсад ва вазифалари	2	2		2		
	Жами:	20	20	8	12		

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Фалсафа фанининг замонавий фанлар тизимида тутган ўрни(2 соат)

Режа:

1. Фалсафанинг ижтимоий-гуманитар фанлар тизимидаги ўрни ва роли. Фалсафанинг бошқа фанларга таъсири, унинг дунёқарашлик ва методологик вазифалари.

2. Фан ютуқларининг фалсафа тизимига киритилиб борилиши. Ёшларда китобхонлик маданиятини юксалтириш.

3. Фалсафа фанининг замонавий фанлар тизимидаги ўрни. Фалсафийбилимларнинг асосий йўналишлари ва назарий илдизлари.

2-мавзу: Дунёни фалсафий идрок этишнинг ўзига хос хусусияти(2 соат)

Режа:

1. Ижтимоий тараққиёт ва фалсафий фикр, уларнинг ўзаро боғлиқлиги. Кишилиқ жамияти тарихий тараққиёти жараёнида фалсафий дунёқарашнинг ўзгариши диалектикаси, унинг ривожланишнинг тарихий ва ижтимоий шакллари билан боғлиқлиги.

2. Фалсафий фикрнинг ижтимоий жараёнлардан илгарилаб кетиш ёки орқада қолиш муаммолари. Мустақиллик ва фалсафий тафаккурнинг ўзгариши зарурияти.

3. Янгича тафаккурни шакллантиришнинг фалсафий омиллари. Янгича тафаккурни шакллантириш ва ривожлантиришда миллий менталитет.

3-мавзу: Борлиқ фалсафаси ва унинг замонавий концепциялари (2 соат)

Режа:

1. Онтология тушунчаси. Борлиқнинг умумонтологик талқинлари. “Материя” тушунчаси ва унинг тарихий талқинлари. Материянинг

замонавий талқинлари. Материянинг тизимли тузилиши.

2. Борлиқ тушунчаси. Борлиқнинг турлари масаласи. Борлиққа мавжудликсифатида ёндашиш. “Постмодерн” борлиғи. Борлиқнинг асосий шакллари тўғрисидаги масала. Табиатобъектларининг тузилиши. Ҳаёт нима? Биосфера. “Инсон борлиғи”. “Ижтимоий борлиқ” муаммоси. XX аср ўзбек фалсафасининг асосчилари.

3. Ноосфера – борлиқ шакли. “Ноосфера” атамаси. “Ноосфера” тушунчаси. Ноосфера ғояси. Онтологияда оламнинг бирлиги масаласи. Оламнинг бир бутунлиги. Оламнинг бирлиги асослари. Жамиятнинг янги таракқиёти босқичида миллий фалсафа мактабининг стратегияси.

4-мавзу: Фанда метод ва методология тушунчаси.

Илмий билиш методлари (2 соат)

Режа:

1. Фалсафий муаммоларнинг табиати ва хусусияти. Онтология, гносеология, аксиология, логика фалсафанинг асосий қисмлари сифатида.

2. Фалсафа: назария ва метод. Фалсафий мушоҳаданинг тарихий шакллари. Материализм ва идеализм. Рационализм ва иррационализм. Мушоҳада ватажриба. Фалсафа методология сифатида, фалсафанинг методологик тамойиллари: рационализм, эмпиризм, критицизм.

3. Диалектик метод ва унинг муқобиллари. Диалектиканинг тарихий шакллари, Детерминизм. Диалектика категориялари. Сабаб ва оқибат. Зарурият, тасодиф, эҳтимоллик. Қонун тушунчаси, қонун заруриятнинг ифодаси сифатида. Детерминизм ва эркинлик муаммоси. Фалсафада герменевтик метод.

4. Ижтимоий билиш. “Ижтимоий билиш”, “Гуманитар билиш”, “Ижтимоий-гуманитар билиш” тушунчалари. Гуманитаризм. Ижтимоий билиш методологияси ва тарих фалсафаси.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР

1-мавзу: Ҳозирги замон методологияси: куматоид, кейс стади, абдукция(2 соат)

Режа:

1. Ҳозирги шароитда фалсафа, методология ва хусусий фанлар ўзаро муносабатнинг умумий муаммолари.
2. Методология тушунчаси ва фаннинг методологик таҳлили. Фалсафий методология назарий ва амалий фаолиятни ташкил этиш ва тузиш усулларихамда тамойиллари тизими.
3. Ҳозирги замон методологияси: куматоид, кейс стади, абдукция.

2-мавзу: Аналитик фалсафанинг вужудга Келиши (2 соат)

Режа:

1. Аналитик фалсафа тушунчаси ва унинг вужудга келиши ҳамда асосчилари.
2. Аналитик фалсафа ҳозирги замон Ғарб фалсафасида неопозитивизм йўналишининг давоми сифатида.
3. Янгича тафаккурни шакллантириш ва ривожлантиришда аналитик фалсафа.

3-мавзу: Аналитик фалсафанинг функционал характеристикаси(2 соат)

Режа:

1. Тилдаги камчиликларни аниқлаш ва бартараф қилиш аналитик фалсафанинг вазифаси.
2. Аналитик фалсафанинг функционал характеристикаси.
3. Жамиятнинг янги тараққиёти босқичида аналитик фалсафа ўрни ва аҳамияти.

4-мавзу: Аналитик эпистемология(2 соат)

Режа:

1. Билиш фалсафий таҳлил предмети сифатида (гносеология). Билишобъектив реалликнинг инъикоси, дунёга бўлган тарихан ривожланиб боровчимуносабат сифатида.
2. Шарқ мутафаккирлари қарашларида билиш масалалари. Билишнинг объекти ва субъекти. Уларнинг ўзаро муносабати. Билишбосқичлари: ҳиссий ва ақлий билиш.
3. Ақлий билишнинг асосий шакллари. Ижод ва интуиция. Билишда “ҳиссийлик” ва “ақлийлик”нинг бирлиги.

5-мавзу: Таркибий функционал таҳлил(2 соат)

Режа:

1. Функционал таҳлил тушунчаси.
2. Функционал боғланиш тушунчаси.
3. Таркибий функционал таҳлил.

6-мавзу: Неореализм ва лингвистик таҳлилнинг мақсад ва вазифалари (2 соат)

Режа:

1. Неореализм тушунчаси ва унинг асосий йўналишлари.
2. Неореализмнинг вужудга келиши ва унинг асосчилари.
3. Лингвистик таҳлилнинг мақсад ва вазифалари.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.

2. Мирзиёев Ш.М. Миллий таракқиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.

3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.

4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажак фааровон бўлади. 3-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.

5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: Ўзбекистон, 2019.

2. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ – 637- сонли Қонуни.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармони.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрель “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини

ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарори.

III. Махсус адабиётлар:

1. Falsafa. Ахмедова М. Тахрири остида.-Т.: УФМЖ, 2006.
2. Mamashokirov S. Tahriri ostida. Falsafa. -Т.: Sharq, 2005.
3. А.Маманов. Миллий менталитет: хусусиятлар ва омиллар, С.: «Зарафшон» - 2015.-155 б.
4. Абдулла Шер. Ахлоқшунослик / Дарслик. -Тошкент: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2010 й.
5. Абдулла Шер. Эстетика. / Дарслик. -Тошкент: Ўзбекистон, 2015 й.
6. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри.-Т.:Янги аср авлоди, 2016.- 318 б
7. Асекретов О.К., Борисов Б.А., Бугакова Н.Ю.и др.Современные образовательные технологии: педагогика и психология: монография. – Новосибирск: Издательство ЦРНС, 2015. – 318 с. <http://science.vvsu.ru/files/5040BC65-273B-44BB-98C4-CB5092BE4460.pdf>
8. Б.Хусанов. Бошқарув этикаси. Ўқув қўлланма. Т.: Университет. ЎзМУ, 2017.
9. Белогуров А.Ю. Модернизация процесса подготовки педагога в контексте инновационного развития общества: Монография. — М.: МАКС Пресс, 2016. — 116 с. ISBN 978-5-317-05412-0.
10. Бозаров Д. Синергетик парадигма. -Т.: Тафаккур, 2010. -160б.

11. Гулобод Қудратуллоҳ кизи, Р.Ишмуҳамедов, М.Нормуҳаммедова. Анъанавий ва ноанъанавий таълим. – Самарқанд: “Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази” нашриёти, 2019. 312 б.
12. Ж.Румий. Ичингдаги ичингдадур.-Т.: Янги аср авлоди, 2016.-272 б.
13. Ибраймов А.Е. Масофавий ўқитишнинг дидактик тизими. методик қўлланма/ тузувчи. А.Е.Ибраймов. – Тошкент: “Lesson press”, 2020. 112 бет.
14. Игнатова Н. Ю. Образование в цифровую эпоху: монография. М-во образования и науки РФ. – Нижний Тагил: НТИ (филиал)УрФУ, 2017.– 128 с.
15. Иззетова Э., Пулатова Д. Философия. -Т.: Шарқшунослик, 2012.340-6
16. Ишмуҳамедов Р.Ж., М.Мирсолиева. Ўқув жараёнида инновацион таълим технологиялари. – Т.: «Fan va texnologiya», 2014. 60 б.
17. Л.А.Муҳаммаджонова, Д.О.Ортиқова, Ф.А.Абиджанова, Г.К.Машарипова. Профессионал этика ва этикет.Дарслик. - Т.: "Адабиёт учқунлари" 2018 й.
18. Л.Муҳаммаджонова,Ф.Абиджанова Этикет. Ўқув қўлланма. Т.: Университет. ЎзМУ, 2018 й.
19. М. Каххарова, Н Агзамова. Этика Учебное пособие. Ризограф имени Низами. 2018 г.
20. Муслимов Н.Ава бошқалар. Инновацион таълим технологиялари. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: “Sano-standart”, 2015. – 208 б.
21. Муҳаммаджонова Л. Давлат хизматчиси этикаси ва имиджи. Ўқув қўлланма - Т.: Университет, 2017.
22. Олий таълим тизимини рақамли авлодга мослаштириш концепцияси. Европа Иттифоқи Эрасмус+ дастурининг кўмагида. https://hiedtec.ecs.uni-ruse.bg/pimages/34/3_UZBEKISTAN-CONCEPT-UZ.pdf
23. Отамуродав С. Глобаллашув ва миллат. - Т.: Янги аср авлоди. 2008.
24. Усмонов Б.Ш., Ҳабибуллаев Р.А. Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини кредит-модуль тизимида ташкил қилиш.–Т.: “ТКТИ” нашриёти, 2019 й.

25. Хайитов Ш., Хайитова К., Зияутдинова Х. Фалсафа асослари. Альбом схема. -Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2009.
26. Шермухамедова Н.А. Фалсафа.-Т.: Ношир, 2012. -1207 б.
27. Шермухамедова Н.А. Борлик ва ривожланиш фалсафаси.-Т.: Ношир, 2013,720 б
28. Шермухамедова Н.А. Инсон фалсафаси.-Т.: Ношир, 2017. 460-б.
29. Шермухамедова Н.А. Фалсафага кириш.-Т.: Ношир, 2012. 320 б.
30. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. Т.: Молия, 2003.
31. Mamashokirov S. Tahriri ostida. Falsafa. –Т.: Sharq, 2005.
32. Нурматова М., Муҳаммаджонова Л. Маънавиятнинг ахлоқий асослари. // Ўқув қўлланма. Тошкент: Унверситет, 2013.

IV. Интернет сайтлар

33. <http://edu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
34. <http://lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси
35. <http://bimm.uz> – Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бош илмий-методик маркази
36. <http://ziyonet.uz> – Таълим портали Ziyonet
37. <https://philpapers.org/> - международная философская поисковая система по книгам, статьям, журналам, находящимся в открытом доступе
38. <https://plato.stanford.edu/> - Стэнфордская энциклопедия философии.
<https://elibrary.ru/> - крупнейший российский информационно-аналитический портал (в том числе) в области философии

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

“Замонавий фалсафанинг долзарб муаммолари” фанини ўқитишда замонавий педагогик технологияларнинг фан хусусиятидан келиб чиққан ҳолда деярли барчаси тадбиқ этилиши мумкин. Хусусан, маъруза ва семинарлар “Ақлий ҳужум”, “Кластер”, “Бумеранг”, “Меню”, “Б/Б/Б”, “Мунозара”, “Резюме” сингари методлар, слайдлар, мультимедиа намойишлари билан ўтказилади. Бу таълим ўз моҳиятига кўра таълим жараёнининг барча иштирокчиларини тулақонли ривожланишларини кўзда тутди. Бу эса таълимни лойиҳалаштирилаётганда, албатта, маълум бир таълим олувчининг шахсини эмас, аввало, келгусидаги мутахассислик фаолияти билан боғлиқ уқиш мақсадларидан келиб чиққан ҳолда ёндошилишни назарда тутди.

Шахсга йўналтирилган таълим. Бу таълим ўз моҳиятига кўра таълим жараёнининг барча иштирокчиларини тўлақонли ривожланишларини кўзда тутди. Бу эса таълимни лойиҳалаштирилаётганда, албатта, маълум бир таълим олувчининг шахсини эмас, аввало, келгусидаги мутахассислик фаолияти билан боғлиқ ўқиш мақсадларидан келиб чиққан ҳолда ёндошилишни назарда тутди.

Тизимли ёндошув. Таълим технологияси тизимнинг барча белгиларини ўзида мужассам этмоғи лозим: жараённинг мантиқийлиги, унинг барча бугинларини ўзаро боғланганлиги, яхлитлиги.

Фаолиятга йўналтирилган ёндошув. Шахснинг жараёнли сифатларини акллантиришга, таълим олувчининг фаолиятни активлаштириш ва интенсивлаштириш, ўқув жараёнида унинг барча қобилияти ва имкониятлари, ташаббускорлигини очишга йўналтирилган таълимни ифодалайди.

Диалогик ёндошув. Бу ёндошув ўқув муносабатларини яратиш заруриятини билдиради. Унинг натижасида шахснинг ўз-ўзини

фаоллаштириши ва ўз-ўзини кўрсата олиши каби ижодий фаолияти кучаяди.

Ҳамкорликдаги таълимни ташкил этиш. Демократик, тенглик, таълим берувчи ва таълим олувчи фаолият мазмунини шакллантиришда ва эришилган натижаларни баҳолашда биргаликда ишлашни жорий этишга эътиборни қаратиш зарурлигини билдиради.

Муаммоли таълим. Таълим мазмунини муаммоли тарзда тақдим қилишорқали таълим олувчи фаолиятини активлаштириш усулларида бири. Бунда илмий билимни объектив қарама-қаршилиги ва уни ҳал этиш усуллари диалектик мушоҳадани шакллантириш ва ривожлантиришни, амалий фаолиятга уларни ижодий тарзда қўллашни мустақил ижодий фаолияти таъминланади.

Ахборотни тақдим қилишнинг замонавий воситалари ва усуллари қўллаш - янги компьютер ва ахборот технологияларини ўқув жараёнига қўллаш.

Ўқишнинг усуллари ва техникаси. Маъруза (кириш, мавзуга оид, визуаллаш), муаммоли таълим, кейс-стади, пинборд, парадокс ва лойиҳалаш усуллари, амалий ишлар.

Ўқитишни ташкил этиш шакллари: диалог, полилог, мулоқот ҳамкорлик ва ўзаро ўрганишга асосланган фронтал, коллектив ва гуруҳ.

Ўқитиш воситалари: ўқишнинг анъанавий шакллари (дарслик, маъруза матни) билан бир қаторда - компьютер ва ахборот технологиялари.

Коммуникация усуллари: тингловчилар билан оператив тесқари алоқага асосланган бевосита ўзаро муносабатлар.

Тесқари алоқа усуллари ва воситалари: кузатиш, блиц-сўров, оралик ва жорий ва яқунловчи назорат натижаларини таҳдили асосида ўқитиш диагностикаси.

Бошқариш усуллари ва воситалари: ўқув машғулоти босқичларини белгилаб берувчи технологик карта кўринишидаги ўқув машғулотларини режалаштириш, қўйилган мақсадга эришишда ўқитувчи ва тингловчининг биргаликдаги ҳаракати, нафақат аудитория

машғулотлари, балки аудиториядан ташқари мустақил ишларнинг назорати.

Мониторинг ва баҳолаш: ўқув машғулотида ҳам бутун курс давомида ҳам ўқитишнинг натижаларини режали тарзда кузатиб бориш. Курс охирида тест топшириқлари ёки ёзма иш вариантлари ёрдамида тингловчиларнинг билимлари баҳоланади.

“Замонавий фалсафанинг долзарб муаммолари” фанини ўқитиш жараёнида компьютер технологиясидан, "Ексел" электрон жадваллар дастурларидан фойдаланилади. Айрим мавзулар бўйича тингловчилар билимини баҳолаш тест асосида ва компьютер ёрдамида бажарилади. "Интернет" тармоғидаги расмий иктисодийкўрсаткичларидан фойдаланилади, тарқатма материаллар тайёрланади, тест тизими ҳамда таянч сўз ва иборалар асосида оралиқ ва якуний назоратлар ўтказилади

“Замонавий фалсафанинг долзарб муаммолари” дарслари қизиқарли ва тингловчига бой ахборот берадиган бўлишига ёрдам берадиган улублар жуда кўп. Лекин улар орасида фалсафанинг энг синалган ва энг қадимий услуби бўлган “суқротча бахс”га ҳеч қайси услуб ета олмайди. Зеро айнан шу услуб диалектик фикрлаш услубидир ва айнан шу услуб дунёга Суқрот, Платон, Аристотел, Форобий, Ибн Сино каби кўплаб мутафаккирларни етиштирган. Айни шу услуб Платон диалогларида акс этган ва ҳозиргача инсоният етук мутафаккирларини камолотга етказишда давом этмоқда. Бу услубни яхши билиш учун мазкур диалогларни чуқур ўрганиш керак. Бугунги кунда уларнинг ўзбек тилидаги таржимаси амалга оширилгани эса ишимизни янада енгиллаштирди. Бу услуб семинарда эмас, балки фақат маърузалар вақтида ўказилади. Бунда ўқитувчи Суқротнинг, тингловчилар эса Суқротнинг суҳбатдоши ролларини ўйнайдилар. Мазкур методни машқ орқалигина намойиш этиш мумкин. Шунинг учун бу ерда ушубу услубга бошқа тўхталмаймиз. Лекин методикадан ўтказадиган семинарларимизда бу методни махсус машқ қилиб кўра оламиз. Шунинг алоҳида таъкидлаш керакки, бу услубни фалсафани чуқурроқ биладиганлар ўзлаштириши мумкин ва мақсадга мувофиқдир. Фалсафа дарсларининг хажми жуда қисқа бўлган

нофалсафа мутахассисликлари дарсларида эса уни қўллаш учун етарли вақт топиб бўлмайди. Аммо бу услуб масаланинг жавоби бахс қатнашчиларидан бирига аён бўладиган платонча (сукротча) диалог эмас, албатта. Бу саволлар ва уларга жавоблар тўқнашуви жараёнида келиб чиқадиган ўз ўзидан ташкилланиши кутиладиган нозизиқли когнитив-коммуникатив муҳитдир.

“Замонавий фалсафанинг долзарб муаммолари” ни ўрганишга эндигина киришганлар эса аввал осонроқ услублар асосида ўз тафаккурларини ривожлантирадиган услублар асосида ишлашлари мақсадга мувофиқ. Шундай услублар қаторига “инсерт” услуби туради.

III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1 МАВЗУ: ФАЛСАФА ФАНИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ФАНЛАР ТИЗИМИДА ТУТГАН ЎРНИ (2 соат)

Режа:

1. Фалсафанинг ижтимоий-гуманитар фанлар тизимидаги ўрни ва роли. Фалсафанинг бошқа фанларга таъсири, унинг дунёқарашлик ва методологик вазифалари.

2. Фан ютуқларининг фалсафа тизимига киритилиб борилиши. Ёшларда китобхонлик маданиятини юксалтириш.

3. Фалсафа фанининг замонавий фанлар тизимидаги ўрни. Фалсафий билимларнинг асосий йўналишлари ва назарий илдизлари.

Мавзунинг таянч иборалари: Фалсафа, фалсафанинг миллийлиги, ўзбек фалсафаси, дунёқараш, мифологик ва диний дунёқараш, донишмандлик, назарий билим, фалсафий дунёқараш, онтология, гносеология, праксиология, методология, метод, қонун, субстанция, метафизика, фалсафанинг функциялари, демократия, ҳуқуқий давлат, эркинлик, озодлик, мустақиллик, мафкура, маънавият.

Ижтимоий тараққиётнинг ҳар бир босқичида ҳаётни янгича фикрлаш асосида тушунтирадиган назарий билимларга эҳтиёж туғилади. Бу масала, табиийки, фалсафий тафаккур билан узвий боғлангандир. Эскича яшаш тамойилларини янгиси билан алмаштиришга эҳтиёж туғилган пайтда фалсафа олдида қуйидаги саволлар туради: энди қандай яшаш лозим? Инсонлар қайси йўлдан боришлари керак, фаолиятлари асосига нимани қўйиш лозим? Одамларнинг орзу-умидларини, истакларини қай йўсинда амалга ошириш зарур? Яшашнинг маъноси нима? Буларга жавоб бериш

янгича фикрлаш тизимини яратиш билан боғлангандир.

“Фалсафа” атамаси юнончадан олинган бўлиб (“философия”) донишмандликни севиш деган маънони билдиради. “Файласуф” сўзи биринчи марта қадимги юнон олими Пифагор (э.о.VI аср охири - V аср бошлари) томонидан ишлатилган.

Пифагорнинг фикрича, фалсафанинг маъноси - ҳақиқатни излашдир. Бундай фикрни қадимги юнон файласуфи Гераклит (э.о. 520-460) ҳам илгари сурган эди. Афлотун (э.о.428-347)нинг айтишича, фалсафанинг вазифаси абадий ва мутлоқ ҳақиқатга эришишдир. Арасту (э.о.384-322) фалсафанинг вазифаси борлиқдаги умумийликни очиш, предмети эса борлиқнинг бирламчи асослари ва сабабларидан иборатдир, деган фикрни билдиради.

Шарқда ҳам фалсафа ҳақидаги қарашлар жуда қадимда юзага келган бўлиб, у донишмандлик билан айнан тенг деб ҳисобланади, фалсафа билим ҳақидаги умумий тушунчадан ажратилмайди. Эрадан олдинги VIII асрда Ҳиндистонда яратилган сиёсат ҳақидаги “Артхашстре” китобида ишлатилган “даршана” деган тушунча фалсафани таърифлаш маъносида ишлатилган.

Марказий Осиёнинг қадимги ёдгорлиги “Авесто”да ҳам “файласуф” деган тушунча ўрнида донишмандни ифодалайдиган хратугина (донишмандликка борадиган) ва харатупат (донишмандликка етишган) деган сўзлар ишлатилган. Буюк мутафаккир Форобий фалсафа сўзини ҳикматни кадрлаш деб талқин этган. Хитой фалсафасида “чже-сюэ” (донишмандлик фани) деган атама XIX асрда шаклланган. Бироқ бу қадимги Ҳиндистонда ва Хитойда фалсафий фикрлар бўлмаган деган маънони билдирмайди.

Шундай қилиб, фалсафанинг моҳияти ҳақида сўз кетганда айрим мутафаккирлар уни ҳақиқатни излашда, бошқалари - ҳақиқатни ўз шахсий манфаатларига мослаштиришда деб тушунадилар; бир хиллари ўз фикрларини осмон томон, бошқалари эса - Ерга йўналтирадилар; бир хиллари оллоҳга, бошқалари эса - одамга мурожаат қиладилар; бир хиллари учун фалсафа ўз-ўзича аҳамиятга эга, бошқалари айтадики, фалсафа жамият ва инсонга хизмат қилиши керак ва ҳ.к. Буларнинг барчаси фалсафага

ёндошувларнинг хилма-хиллиги, унинг предметини тушунишда турлича карашлар мавжудлигини кўрсатади.

Бу нарса, айниқса, XIX асрнинг II ярмида ва XX асрда яққол кўзга ташланади. Бу даврда ниҳоятда ранг-баранг фалсафий мактаблар, йўналишлар юзага келди, уларда борлик, билиш, инсон ва инсониятнинг турли томонлари фалсафанинг предмети, баҳс мавзуи бўлиб хизмат қилади. Бироқ булар ранг-баранг фалсафий концепциялар ўртасида умумий жиҳатлар йўқ, деган хулосага олиб келмаслиги керак. Фалсафий билимларга хос энг муҳим жиҳатлар қуйидагиларда ифодаланади:

Биринчидан, борлиқнинг энг умумий масалаларини тадқиқ этиш. Бунда борлиқ муаммоси универсал маънода тушунилади: борлиқ ва йўқлик; моддийлик ва идеаллик; табиат, жамият ва инсон борлиғи. Борлиқ тўғрисидаги фалсафий таълимот **онтология** (онтос - мавжудлик, логос - таълимот) номини олди.

Иккинчидан, билишнинг энг умумий масалаларини таҳлил этиш. Оламни билиш мумкинми, мумкин эмасми; билишнинг имкониятлари, усуллари, метод ва мақсадлари; билишнинг моҳияти нимада, ҳақиқат нима; билишнинг объекти ва субъекти қандай маънога эга ҳ.к. Билиш тўғрисидаги фалсафий таълимот гносеология (гнозес - билим, логос - таълимот) номини олди.

Учинчидан, жамият мавжуд бўлиши ва ривожланишининг энг умумий масалалари. Сиртдан бу масала борлиқ тўғрисидаги таълимотда ўз аксини топади. Модомики, жамият шахс тараққиётига ҳал қилувчи таъсир кўрсатар экан, унинг социал сифатларини шакллантирар экан, шу боис фалсафада бу соҳани алоҳида ажратиб кўрсатиш мантиқан тўғридир. Фалсафада ижтимоий ҳаётни тадқиқ этадиган соҳа ижтимоий фалсафа (социал фалсафа) деб аталади.

Тўртинчидан, инсоннинг энг умумий ва муҳим масалаларини ўрганиш. Бинобарин, инсон фалсафий донишмандликнинг асоси ва сўнгги нуқтаси бўлганлигидан уни махсус ўрганиш тақозо қилинади. Ҳаётда мавҳум

руҳ эмас, балки конкрет инсон ижод қилади, ҳаракат қилади. Инсон фалсафаси фалсафий антропология деб аталади.

Демак, фалсафа борлиқнинг, билишнинг ҳамда инсон билан олам ўртасидаги муносабатларнинг энг умумий тамойиллари тўғрисидаги таълимотдир.

Албатта, бу қисқа таъриф янада кенгроқ талқин қилиниши ва ривожлантирилиши лозим. Энг муҳими, фалсафа ҳамма вақт назария бўлиб, ўз категорияларини, уларнинг тизимини, тадқиқот қонуниятларини, методлари ва принципларини назарий кўринишда акс эттирган. Фалсафий назариянинг ўзига хос томони шундаки, унинг қонунлари, категория ва принциплари энг умумий характерга эга бўлиб, табиат, жамият, инсон ва тафаккур ҳодисаларига нисбатан қўлланилади. Иборадаги сўнги ҳолатни кўзда тутадиган бўлсак, фалсафа тафаккур тўғрисидаги тафаккур ҳамдир. Фалсафанинг предмети шубҳасиз яна фалсафанинг ўзини, унинг тарихини ўрганиш масаласини ҳам ўз ичига олади.

Ҳар қандай фалсафа дунёқарашдир. (Фалсафа оламга ва одамга нисбатан энг умумий қарашларнинг йиғиндиси ҳисобланади). Лекин ҳар қандай дунёқараш фалсафий эмасдир. “Дунёқараш” тушунчаси “фалсафа” тушунчасига нисбатан кенгроқдир. Дунёқараш фалсафадан ташқари яна афсонавий, бадиий, диний ва бошқа қарашларни ҳам ўз ичига олади.

Дунёқараш, шу жумладан фалсафа оламини инъикос этишнинг маҳсулидир. Бироқ бу инъикоснинг чуқурлик даражаси, кўлами турлича бўлиши мумкин. Инъикоснинг энг элементар кўриниши **сезги** даражасида содир бўлади. Бу дунёқарашга тадбиқ этилганда дунёни сезиш ва дунёни мушоҳада этишни билдиради. Инъикоснинг навбатдаги кўриниши - **идрок** ва **тасаввурдир**. Бундай даражадаги дунёқараш асосан ҳиссий тажриба билан чегараланади, бу ерда ҳиссиёт ва идрок ақл устидан устиворлик қилади. **Тушунча** ёрдамида амалга оширилган инъикос туфайли дунёқараш шаклланади, чунки воқеа ва ҳодиса, жараёнларнинг қонуниятлари ва моҳиятини очишда тушунча алоҳида ўрин эгаллайди. Тушунча орқали

инъикос абстракт тафаккур ва назарий билиш билан боғланади. Тушунча оламни энг чуқур акс эттиради.

Дунёқараш оламга ва унда инсоннинг ўрни, кишиларнинг ўз атрофидаги воқеликка ва ўз-ўзига нисбатан қарашлари тизими бўлиб, унда билимлар, эътиқодлар, кайфиятлар, интилишлар, орзулар, қадриятлар, меъёрлар, идеаллар, маслаклар ва ҳ.к.лар уйғун тарзда иштирок этади. Дунёқарашда жамиятда шаклланган фалсафий, илмий, диний, сиёсий, ахлоқий, ҳуқуқий, эстетик билимлар, қарашлар ўз аксини топади.

Дунёқарашнинг структурасида тўртта қатлам мавжуд:

Биринчи таркибий қисм - **билиш**. У кундалик, профессионал, илмий ва ҳ.к. билимларнинг йиғиндисига суянади; Иккинчиси - **қадриятли-меъёрий қатлам**. Бу ўз ичига қадриятлар, идеаллар, эътиқодлар, маслаклар, меъёрлар, кўрсатмаларни олади; Учинчиси - **ахлоқий-иродавий қатлам**. Билимлар, қадриятлар ва меъёрлар кишиларнинг амалий ҳатти-ҳаракатларида юзага чиқиши учун улар эмоционал-иродавий жиҳатдан ўзлаштирилиши, шахсий қарашларга, эътиқодларга, маслакларга айланиши зарур, шунингдек фаолият учун муайян руҳий йўл-йўриқ кўрсатмоқ ролини ўйнаши керак. Ана шундай йўл-йўриқнинг шаклланиши дунёқарашнинг эмоционал-иродавий қалами орқали амалга оширилади; Тўртинчиси - **амалий қатлам**. Дунёқараш нафақат назарий билимлар, қадриятлар, эътиқодлар, маслаклар, балки шу билан бирга инсоннинг конкрет шарт-шароитда маълум хулқ-атворни амалга ошириш учун реал тайёргарлик даражаси ҳамдир. Амалиётсиз дунёқараш абстракт, мавҳум бўлиб қолади.

Демак, дунёқараш инсоннинг оламга муносабатини белгилайдиган, унинг хулқ-атворини йўналтирадиган ва тартибга солиб туришда намоён бўладиган қарашлар, баҳолар, меёрлар ва мақсадлар йиғиндисидир.

Афсонавий дунёқараш. Афсоналарда оламнинг вужудга келиши, тузилиши, табиат ҳодисаларининг сири, дунёвий уйғунлик, одамнинг табиат ва космик ҳодисалар билан алоқаси, ўсимлик ва ҳайвонларнинг одамга хос сифатлари ҳақида ҳикоя қилинади. Афсоналарда одамнинг пайдо бўлиши,

хаёти босқичлари, ўлими, ҳаёт синовларидан ўтиши ҳақида фикр юритилган. Ундан ташқари, оловни топиш, хунар эгаллаш, деҳқончилик, турли урф-одатлар, расм-русмлар ҳақида афсоналар тўқилган.

Ҳар қандай афсонавий онг хаёлда ва хаёл ёрдамида стихияли кучларни енгади, аммо табиатдан ўзини устун қўймайди.

Дунёқарашнинг бу шакли таъсирида турли ишонч, эътиқодлар пайдо бўлган. Масалан, тотем, фетиш, сеҳргарлик ва руҳларга ишонч - эътиқодлар шулар жумласидандир. Булар ёрдамида одамлар бирлашган, ҳаёт машаққатларини ҳамкорликда енган, табиатдаги стихияли кучларга таъсир кўрсатишган. Бу интилишлар кейинчалик турлича диний имон-эътиқодлар учун асос бўлган. Афсонавий дунёқарашга бугунги кунда эҳтиёж қолмаган бўлсада, эртақлар, саргузаштлар, ривоятларда, адабиёт ва саноатнинг бир қатор жанрларида сақланиб қолган. Умуман афсонавий дунёқараш инсоният маданий тараққиётида муҳим бир босқич бўлган. Афсонавий дунёқарашнинг характерли белгилари: **эмоционал- образли шакл**. Бу хусусият қахрамонлар, худоларнинг образларини яратишда намоён бўлади; **табиатни жонлантириш**. Бу хусусият инсон фазилатларини теварак-олам ҳодисаларига кўчиришда, космосни, табиат кучларини гавдалантиришда ва жонлантиришда кўзга ташланади. Мифологияда табиат билан инсон олами, тафаккур билан эмоциялар, бадий образлар билан илмий билимлар ўртасида қаттиқ чегараланиш йўқ; **афсонавий дунёқарашда рефлексиянинг иштирок этмаслиги**. Рефлексия - бу инсон онги, фикрининг ўз онги устидан; ўз қарашлари, психологик ҳолатлари, уларни баҳолаш бўйича фикр юритиши; ўзининг фикри юзасидан фикр юритиш; **амалий йўналтирилганлик**: мифологияда дунёқараш муаммолари амалий вазифалар билан (муваффақият, бахтли ҳаёт, очликдан сақланиш, саломатликни эҳтиёт қилиш) алоқадорлиги.

Диний дунёқараш афсонавий ва содда дунёқарашнинг бевосита таъсирида шаклланган. Қуръони Карим, Инжилдан ўрин олган одам ҳақидаги ривоятлар Турон ва Бобил афсоналарига яқин бўлган. Масалан, Исломда ҳам

олам зардуштийлик, Бобил ва Инжил космогонияларидаги каби уч қисмга - **осмон, ер ва нариги дунёга** бўлинган. Жаҳаннам сўзи яҳудийча “генна” сўзидан олинган бўлиб, мусулмонларнинг тасаввурида 7 қаватдан иборат: биринчисида мунофиқлар, иккинчисида миср фиръавнлари ўз аъёнлари билан, учинчисида дахрийлар, тўртинчисида авроқчи, афсунгарлар, бешинчисида христианлар, олтинчисида юлдузпарастлар, еттинчисида йўлдан адашиб гуноҳ қилган мўминлар жазоланиши керак, деб ҳисобланади. Дунё дарахти, Олам тоғи, оламнинг улкан одам қиёфасидаги манзараси тўғрисидаги диний афсоналар ҳам мифологик дунёқарашнинг маҳсулидир.

Қадимги юнонларда Орфей мадҳиясида (эрамиздан аввалги VI асрда Юнонистонда вужудга келган диний таълимот) Зевснинг боши билан гўзал чеҳраси чароғон осмону, кўзлари Ой ва Қуёш дейилади; нафаси-ҳаво, оёқлари - ер ҳисобланади. Эрамизнинг I асрига мансуб бўлган афсоналарда Одам Атонинг вужуди ҳаддан ташқари баҳайбат қилиб тасвирланади, унинг оёқлари ерга тегиб турса, боши осмонга тақалади. Инжилда Одам Ато 930 йил яшаган, дейилади.

Диний дунёқарашнинг афсонавий дунёқарашдан фарқи шуки, унда дунё иккига - бу дунё ва у дунёга бўлинади. Бу дунёқараш гўё ғайритабиий кучлар борлигига, уларнинг инсонлар тақдирига ҳал қилувчи таъсир кўрсатишига қатой ишончга асосланади. Аввало кўп худоликка, кейинги 2,5 минг йилда яқка худоликка ишонч пайдо бўлиб, ҳозир ер юзи аҳолисининг динга ишонувчи қисми асосан яқка худоликка сиғинади. Одамлар диний дунёқараш орқали ўз орзу-умидларини ифодалаганлар, ўзлари яратган тасвирларга ўхшаб яшашга интиланлар. Умуминсоний қадриятлар шу тарзда авайлаб сақланган ва ривожлантирилган.

Фалсафий дунёқараш. Даставвал “философия” тушунчаси кенг маънода инсоният томонидан тўпланган назарий билимларнинг йиғиндисини билдирган.

Фалсафа мифология ва диндан нималарни мерос қилиб олди, деган савол туғилиши мумкин. Фалсафа уларнинг дунёқараш характерини,

дунёқараш схемаларини, яъни умуман оламнинг пайдо бўлиши, унинг тузилиши, инсоннинг юзага келиши ва унинг борлиқдаги ўрни ҳақидаги масалаларни мерос қилиб олди. У яна бутун инсоният таракқиёти давомида тўпланган ижобий билимларни мерос қилиб олди. Бироқ фалсафада юзага келган дунёқараш муаммолари улардан фарқ қилиб, рационал баҳо, ақл нуқтаи назаридан ҳал этилади. Шунинг учун фалсафа назарий шаклланган дунёқарашдир. Фалсафа - умуман оламга, унда инсоннинг ўрни, инсоннинг инсонга муносабатини ифодалайдиган умумназарий қарашлар тизимидир. Шундай қилиб фалсафа дунёқарашни билимлар шаклида намоён этади ва тизимга солади. Бу нарса фалсафа билан фанни бир-бирига боғловчи муҳим ҳақиқатдир.

Воқеликни фалсафий ўзлаштиришнинг муҳим бир томони субстанционализм ҳисобланади. (лот. “субстанция” - асосда турадиган моҳият дегани).

Субстанция борлиқ, табиат, жамият, инсон ва бир бутун оламдаги барча нарса-ҳодисаларнинг асосини ташкил этадиган бирламчи нарсадир. У моддий ёки руҳий шаклда бўлиши мумкин. Чунончи, қадимги олимларнинг бир гуруҳи моддаларнинг бирон-бир турини, масалан, сув, ҳаво, атом ва шунга ўхшаганларни ана шундай тарзда изоҳлаганлар. (Материализм)

Баъзи мутафаккирларнинг фикрича, субстанция - бу мавжудликнинг асоси бўлган мутлоқ ғоя, руҳ ёки субъект онгидир. Чунончи, қадимги юнон файласуфи Пифагорнинг айтишича, субстанция сонлардир. Афлотун субстанция деганда ғояларни назарда тутди. Немис олими Кант назарида, субстанция тажриба берган маълумотларни умумлаштирувчи тафаккурнинг априор шаклидир. Гегель “мутлоқ ғоя”ни субстанция деб қарайди. (Идеализм) Декарт эса субстанция масаласини кўриб чиққанда дунёнинг негизига ҳам материяни, ҳам руҳни қўйган.

Фалсафа тарихида дастлабки вақтларда субстанция ҳамма нарсани ташкил этадиган модда деб тушунилган. Ўрта аср Шарқида субстанция Ал-Киндий, Форобий, Ибн Сино, Ибн Рушд асарларида моддий асос, моҳият

сифатида талкин этилган. Кейинчалик бутун коинотнинг асосида турган субстанция худонинг махсус нишонаси деб тушунилади (схоластика).

Фалсафа таркиб топган билимлар тизими сифатида ўзига хос бир қатор муаммоларга эгадир. Шулардан бири юқорида кўрганимиз “фалсафа нима?” деган масаладир. Уни ҳал этиш асосида ҳар бир файласуф ўз концепциясини яратади. Уни ҳал қилиш учун конкрет муаммоларни аниқлаб олинади, у ёки бу категориялардан фойдаланилади. Ҳар бир фалсафий тизим ўзининг бош муаммосига эга бўлиб, бу нарса унинг асосий мазмунини ва моҳиятини ифодалаган. Чунончи, антик замон файласуфлари учун оламнинг мавжудлиги ҳақидаги масала ана шундай маънога эга бўлган. Сократ буни “ўз-ўзингни бил” деган тамойил билан боғлайди, янги замон файласуфлари учун бу - билиш қандай амал қилади, деган муаммодир.

Бироқ фалсафий тафаккурнинг характерини ёритишга хизмат қиладиган умумий муаммолар ҳам мавжуд. Улар ичида қуйидагилар: “Нима бирламчи: руҳми ёки материя, идеалликми (маънавийлик) ёки моддийликми?” - деган муаммо асосийлардандир. Борликни умумий тушуниш бу масалани ҳал этишга боғлиқдир. Бошқача айтганда, борликда моддийлик ва идеалликдан ташқари ҳеч нарса йўқ, уни турлича ҳал этишдан материализм ва идеализм, деган йирик фалсафий йўналишлар келиб чиққан.

Материализм ва идеализм ҳақидаги масалага кенгроқ тўхталиб ўтайлик. Материализм ва идеализмга бўлиниш фалсафа тараққиётининг қадимги даврларидан бошланган. Немис файласуфи Г.В.Лейбниц (1646-1716) Эпикурни энг йирик материалист, Афлотунни эса энг улкан идеалист деб атаган эди. Немис файласуфи Ф.Шлегел (1772-1829) шундай ёзган эди: “Материализм ҳамма нарсани материядан келиб чиқиб тушунтиради, изоҳлайди, уни бутун нарсаларнинг қандайдир ибтидоси, манбаи сифатида идрок этади... Идеализм ҳамма нарсани руҳдан келтириб чиқаради, материянинг пайдо бўлишини руҳдан келиб чиққан, деб ҳисоблайди ёки материяни унга бўйсундиради”.

Материализм ҳам, идеализм ҳам ўзининг намоён бўлиши жиҳатидан

бир хил эмас. Шунга кўра материализм ва идеализмнинг турли шакллари ажратиб кўрсатиш мумкин. Материализмнинг куйидаги асосий тарихий шакллари мавжуд:

Қадимги Шарқ ва Қадимги Юнон материализми. Материализмнинг бу дастлабки шакли ташқи оламнинг нарса-ҳодисаларини онгдан ташқарида мавжуд моддий тузилмалар ва элементларнинг ҳолати тарзида қараб чиқади (вакиллари- Фалес, Левкипп, Демокрит, Гераклит ва б.).

Янги замоннинг метафизик (механистик) материализми (Европа). У табиат ҳодисаларини тушунишга асосланади. Оламнинг хоссаларини ҳаракатнинг асосан механик шаклига боғлаб изоҳлайди (Г.Галилей, Ф.Бэкон, Ж.Локк, Ж.Ламерти, К.Гелрвещий ва б.).

Диалектик материализм: материализм ва диалектика узвий бирликда берилади. (К.Маркс, Ф.Энгелс)

Материализмнинг яна куйидаги турларини ҳам қайд этиш лозим:

Изчил материализм: материализм тамойиллари ҳам табиатга, ҳам жамиятга татбиқ этилади (марксизм);

Ноизчил материализм: унда жамият ва тарихни материалистик тушунишга Эътибор берилмайди (Л. Фейербах). Унинг ўзига хос шакли **деизм** (тео лот.-худо) бўлиб, вакиллари худони эътироф этсалар-да, бироқ унинг ролини пасайтириб юбордилар: худо материяни яратган, ҳаракатга дастлабки туртки берган, холос (Ф.Бэкон, Ж.Толанд, Франклин, М.Ломоносов).

Вулгар материализм: Вулгар материализм идеалликни моддийлик билан, онгни материя билан айнан тенглаштиради (Фохт, Молешот, Бюхнер).

Идеализм онг, рух, тафаккур бирламчи, материя, табиат, борлик иккиламчи деб талқин қилувчи фалсафий қарашлар тизими бўлиб, биринчи галда объектив ва субъектив кўринишларга эгадир.

Объектив идеализм дунёнинг асосида инсон онгидан ташқарида ва унга боғлиқ бўлмаган рухий ибтидо (ғоя, оламий ақл) ётади, деб ҳисоблайди. (Афлотун, Ф.Аквинский, Шеллинг, Гегел). **Субъектив идеализм** инсон

онгидан ташқаридаги объектив реалликни инкор этиб, фақат субъектив сезгилар мавжуд, деб ҳисоблайди. (Ж.Беркли, Д.Юм, Г.Фихте).

Рухий ибтидо қандай тушунилишига қараб идеализмнинг турли кўринишлари юзага келган: **панлогизм** (оламий ақл), **волюнтаризм** (оламий ирода), **идеалистик монизм** (ягона рухий моҳият), **плюрализм** (кўпдан кўп биринчи унсур), **идеалистик рационализм** (мантикий англаб олинадиган ибтидо), **идеалистик эмпиризм**, **сенсуализм ва феноменализм** (сезгиларнинг ҳиссий хилма-хиллиги), **иррационализм** (билиб бўлмайдиган, қонуниятга бўйсунадиган, мантикқа зид ибтидо).

Бирламчи ибтидо билан монизм, дуализм, плюрализм ҳақидаги масалалар ўзаро боғланган. **Монизм** оламнинг асосида ягона, битта ибтидо, бошланғич асос туришини эътироф этадиган фалсафий концепция (ё моддий асос, ё маънавий асос) дир. Шу сабабли **монизм** материалистик ва идеалистик шаклда бўлиши мумкин.

Дуализм икки асосни тенг деб эътироф этадиган фалсафий концепция: оламнинг асосида тенг ҳолда ҳам материя, ҳам онг ётади. Масалан, Р.Декарт борлиқнинг негизида икки тенг субстанция (руҳ ва материя) ётади, деб ҳисоблайди.

Плюрализм бир нечта ёки кўплаб ибтидоий асослар ётишини назарда туттади. Масалан, қадимги мутафаккирлар бутун борлиқ асосига ранг-баранг ибтидолар (сув, ер, ҳаво, олов, ёғоч, темир ва ҳ.к.)ни қўйганлар.

Борлиқнинг бошланғич ибтидоси билан боғлиқ ҳолда уни билиш мумкин-мумкин эмаслиги ҳақидаги масала боғланиб кетади. Айрим мутафаккирлар фикрича, билишнинг ҳақиқийлиги ҳақидаги масаласини ҳеч қачон ҳал қилиб бўлмайдди: оламни принцип жиҳатдан билиш мумкин эмас. Бундайлар агностик (Протагор, Кант)лар, шундай фалсафий йўналиш **агностицизм** деб ном олган. Унинг кўринишлардан бўлган **скептицизм** билимларнинг ҳақиқийлигига шубҳа билан қарайди. (қадимги юнон Пиррон ва б.). Бошқа мутафаккирлар аксинча, ақл ва билишнинг қудратига ишонадилар ва инсоннинг объектив оламни билиш қобилиятини тан

оладилар. Ҳар бир фан ўз методига эгадир. Бироқ фалсафа энг умумий методология экан, унинг методи нафақат воқеликни назарий ва амалий ўзлаштиришнинг, шу билан бирга фалсафий билимларни вужудга келтириш ва асослашнинг усули ҳамдир.

Бошқа фанлар методлари сингари фалсафий метод ҳам ўз асосини кишиларнинг амалий фаолиятдан олади ва ўз манбаига кўра объектив воқелик ривожланишининг мантиғи ва қонуниятларини ифодалайди. Бу нарса фақат фанга суянадиган фалсафагагина хосдир.

Фалсафий метод тадқиқотнинг умумий принципларини қўллаб қувватлайди. Ф.Бэкон айтганидек, уни йўлни ёритадиган машоалга ўхшатса бўлади. Бироқ турлича фалсафий мактаблар ва оқимлар фалсафа предметини қандай тушунишига қараб турлича фалсафий методларни таркиб топтиради ва улардан фойдаланади. Фалсафий концепцияларнинг плюрализмига методларнинг плюрализми мувофиқ келади.

Фалсафий методларни тасниф қилишда асосан **диалектика** ва **метафизика** назарда тутилади. Диалектика борлиқ ва билиш тараққиётининг энг умумий қонуниятлари ҳақидаги таълимот бўлиб, айни вақтда воқеликни ўзлаштиришнинг умумий методи ҳамдир. Диалектиканинг юзага келиши ва таркиб топишининг негизлари антик замон билан боғлангандир. Бу босқич кўпинча стихияли ёки содда диалектика деб юритилади. Сабаби илк файласуфларнинг оламга қарашлари оддий кузатишга асосланган бўлиб, кўп жихатдан содда бўлган. Шу билан бирга улар диалектикани турлича тушунишган.

Чунончи, материалист Гераклит ўз таълимотида оламнинг доимий ўзгариши ва характериға, унда зиддиятларнинг акс-тескариға айланиш масаласига, энг аввало «нарсалар диалектикаси»ға, объектив диалектикаға эътиборни қаратган. Шу даврда яшаган Сукрот ва Афлотун диалектика деганда мунозара олиб бориш саноатини тушунган, шу йўл билан ҳақиқатға эришиш мумкинлигини эътироф этган. Демак, бу ерда гап «тушунчалар диалектикаси», субъектив диалектика ҳақида боради.

Демак, диалектика материализм соҳасида ҳам, идеализм соҳасида ҳам қўлланилади: материалистик диалектика ва идеалистик диалектика. Идеалистик диалектиканинг мумтоз наомунаси (диалектик идеализм) Гегел томонидан вужудга келтирилган, у билиш назарияси ва методи сифатида диалектик системани яратган. Материалистик диалектиканинг асосчилари К.Маркс, Ф.Энгелсдир.

Метафизика метод сифатида оламнинг бир хил, статик манзарасини яратади, борлиқнинг у ёки бу моментлари ва кўринишларини мутлоқлаштиради ва якка ҳолда қараб чиқади. Ҳозирги даврда улардан ташқари тафаккур таракқиётининг умумий йўналишини кўрсатувчи гуманистик диалектика, синергетика, герменевтика, структурализм, рухий таҳлил каби янги фалсафий методлар пайдо бўлди, улар кенг қўлланилмоқда.

Юқорида айтиб ўтилган фалсафий методлар ўзаро бир-бири билан боғланган, ўзаро узвий алоқадорликка эга, яхлит бир тизимни ташкил этади, уларни оламни билиш ва ўзлаштиришнинг умумий методологияси деб аташ мумкин. Шулар билан бир қаторда фалсафа, юқорида айтганимиздек, алоҳида назария сифатида ҳам амал қилади, шу сабабли ўзининг категориялари, қонунлари ва принципларига эгадир. Фалсафанинг умумий методология ва алоҳида назария сифатидаги белгилари ўзаро узвий боғланган. Фалсафий назария ўзининг қоидалари, қонунлари ва принципларининг умумийлиги билан бошқа фанлар учун методология бўлиб хизмат қилади.

Фалсафанинг баҳс мавзуи ва ўзига хос хусусиятларини унинг функциялари ҳақидаги масалани ҳал қилмай туриб тўла очиқ бўлмайди.

Энг аввало, бу **дунёқараш функциясидир**. Бу функция оламни мавҳум-назария ҳамда тушунчалар орқали изоҳлаши билан дунёқарашнинг барча турлари ва даражаларидан ажралиб туради.

Методологик функция. Унинг маъноси шундаки, фалсафа метод сифатида умумий таълим ва инсон томонидан воқеликни билиш ҳамда ўзлаштиришнинг энг умумий методлари йиғиндисидир.

Прогностик функция. Бу функция материя ва онг, инсон ва олам тараққиётининг энг умумий тенденциялари ҳақидаги фаразни англатади. Фалсафа фанга асосланса, эҳтимолликнинг фараз даражаси шунча юқори бўлади.

Фалсафа назарий тафаккур ва донишмандлик мактаби сифатида ҳам функция бажаради. Бу нарса айниқса фалсафа тарихини ўрганишга дахлдордир.

Фалсафанинг танқидий функцияси. Бу функция нафақат бошқа фанларга, балки фалсафанинг ўзига нисбатан ҳам қўлланилади. «Ҳамма нарсага шубҳа билан қараш» деган принцип антик замондан бошлаб қўлланилиб келинади.

Фалсафанинг танқидий функцияси билан унинг **аксиологик функцияси** узвий боғланган (грекча аксиос - қадри). Ҳар қандай фалсафий тизим ўзи ўрганаётган объектни муайян қадриятлар нуқтаи назардан баҳолайди: социал, ахлоқий, эстетик, мафкуравий ва ҳ.к. Бу функция ижтимоий тараққиётнинг ўтиш даврларида алоҳида ролр ўйнайди (мустақиллик ва қадриятлар). Чунки бу даврларда эски қадриятлардан қай бирини давом эттириш масаласи келиб чиқади.

Социал функция. Бу функция кўп ёқлама характерга эга бўлиб, ижтимоий ҳаётнинг ранг-баранг жиҳатларини қамраб олади. Умуман олганда фалсафа икки ёқлама вазифани бажаради, биринчидан, социал борлиқни тушунтириш, иккинчидан, унинг моддий ва маънавий ўзгаришларига таъсир этиш.

Инсонпарварлик функцияси. Бунинг маъноси шундаки, фалсафа ҳар бир индивид ҳаётида гуманистик қадриятлар ва идеалларни шакллантириш, ҳаётнинг ижобий маъно-мақсадларини тасдиқлашга хизмат қилиши керак. Демак, у интеллектуал даволаш ролини бажаради, айниқса, жамиятда беқарорлик юз берганда, эски қадрият ва идеаллар минбардан тушиб, янгилари ҳали шаклланишга улгурмаган ёки обрў қозона олмаган пайтларда яққол кўзга ташланади.

Ўзбекистоннинг миллий мустақилликка эришуви натижасида барча ижтимоий фанлар соҳасида бўлганидек, фалсафанинг муаммоларига бўлган муносабат ҳам тубдан ўзгарди. Шўро тузуми шароитида фалсафа бошидан кечирган бухронлар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш имкониятига эга эмасмиз. Шундай бўлса-да, қуйидагиларни алоҳида таъкидлашимиз лозим: асрлар давомида қарор топган кадриятлар тўғрисида тоталитар тузум шароитида фалсафанинг эркин фикр юритишига имкон берилмади; марксизм ғояларига асосланган фалсафа инсоният фалсафий тафаккурининг олий чўққиси ҳисобланди; яқка мафкура, турғун дунёқараш ҳукмронлик қилди; синфий ва партиявий принцип асосий мафкуравий мезонга айлантирилди; тоталитар сиёсий тузум манфаатларига хизмат қилган марксистик фалсафа тараққиёт талабларига зид фикр юритишни талаб қилди, ақидапарастлик, авторитар тузум ғояларини тарғиб қилиш фалсафанинг ягона мақсади бўлиб қолди. Фалсафанинг жамият тараққиёти, инсон билимлари маънавий юксалишидаги ўрни, аҳамияти онгли равишда торайтирилади. Энг муҳими, миллий фалсафа ва унинг бой меросини эркин ўрганиш ва ўзлаштиришга кескин қаршилик қилиб келинди.

Миллий мустақиллик туфайли маънавиятимизнинг барча соҳаларида кескин, туб ўзгариш юз берди. Бу нарса фалсафага ҳам тўла даҳлдордир. Фалсафага ёндошув негизида миллий мафкурамизнинг асосий тамойиллари муҳим ўрин олди: чуқур илмийлик, холислик, жаҳон халқлари маънавияти тизимида халқимиз маънавий, фалсафий меросининг ўрнини тадқиқ этиш, ватанпарварлик, миллий ўзликни англаш ва ҳоказо.

Янги фалсафа ўз олдига қуйидаги вазифаларни мақсад қилиб қўйди: биринчидан, барча фалсафий таълимотларни ўрганиш; иккинчидан, турли хил дунёқарашлар ва фикрлар хилма-хиллигига, хурфикрлиликка асосланиш; учинчидан, миллий заминда умуминсоний кадриятларга таяниш; тўртинчидан, мустақиллик муаммолари таҳлилини бош мақсад деб билиш, синфийлик ва партиявийлик ҳамда ақидапарастликни бутунлай рад этиш; бешинчидан, халқимизни юксак ватанпарварлик, шарқона ахлоқ-одоб

меъёрлари руҳида тарбиялаш,

Ўзбекистоннинг миллий мустақиллик йилларида эришган тажрибалари фалсафий таҳлил ва умумлаштириш учун етарли материал бера олди. Ўзбекистоннинг ана шундай тажрибасини англаш ва фалсафий таҳлил қилиш деганда нимани тушуниш мумкин? Бунинг маъноси шуки, бир томондан, мамлакатимизнинг қисқа даврда босиб ўтган йўлини жаҳон тараққиёти умумий йўналишлари доирасида қараб чиқиш, жаҳон цивилизацияси умумий йўналишига Ўзбекистоннинг кириб бориш тажрибаси, бошқа томондан, бу тажрибани яхлит ҳолда, яъни сиёсий-иқтисодий, маънавий жиҳатдан таҳлил этиш, алоҳида ва умумий жиҳатларнинг муносабатини фалсафий жиҳатдан асослашдир.

Англашиладики, фалсафий тафаккур соҳасида ўзгариш ва янгиланишлар юз бермоқда.

Мустақиллик даврида фалсафа янгиланишнинг объектив ва субъектив заминлари барпо этилди. Бундай зарурий шарт-шароит ҳақида сўз кетганда, биринчи галда моддий-иқтисодий асосларни тилга олиш лозим. Бозор муносабатларининг шаклланиши, шу асосда иқтисодий плюрализмнинг қарор топиш бош йўналиш қилиб олинди, айти вақтда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш устивор масалага айланди, бу эса фалсафий тафаккур ўзгариш ва янгиланишига сезиларли таъсир кўрсатди.

Ҳар қандай ижтимоий тузумда фалсафа ижтимоий-сиёсий омиллар таъсирида ўз тамойилларини ишлаб чиқади. Шу жумладан, республикамиз жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли асосига айланган экан, айти вақтда мазмунан янги сиёсий тизим ва ижтимоий тузилмаларнинг ҳамкорликдаги фаолияти туфайли у ижтимоий-сиёсий реаллик касб этмоқда. Бу жараён миллий кадриятларга асосланган янги фалсафанинг ижтимоий-сиёсий табиатини, тамойил ва тушунчаларини яратишда асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Республикамизда амалга оширилаётган маънавий ислохотларнинг фалсафа янгиланишига таъсири беқиёсдир. Бунинг маъноси шуки, халқ

маънавияти покланмоқда, кадриятлар тикланмоқда, бу соҳадаги фаолият кенгайиб бормоқда, тарих фалсафаси, халқ хотираси, бой маънавий меросни ўрганиш борасида улкан ишлар қилинмоқда. Бу эса фалсафа янгиланишида маънавий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Фалсафа янгиланишнинг субъектив омили - онгнинг ўзгариши, тафаккур эркинлиги, фалсафий плюрализм билан боғлиқ масаладир. Буни қуйидагилар билан изоҳлаш мумкин: фалсафий онг ва дунёқараш ўзгараётган ва янгиланаётган ижтимоий муносабатларнинг таркибий қисми сифатида янгиланмоқда; ўтиш даври зарурияти, туб ижтимоий ислохотларнинг йўналишларидан бири сифатида тарихий заруриятни ифодалайди; нафақат умумий маънавий муҳит, балки жамият ҳар бир асосининг руҳияти, мақсад ва эҳтиёжлари соҳасидаги ўзгариш ҳамдир; маънавий-фалсафий меросни эгаллаш негизида фалсафада янги йўналишлар таркиб топмоқда.

Фалсафа соҳасидаги ўзгариш ва янгиланишлар мафкуравий жараёнлар билан ўзаро боғлангандир.

Фалсафий дунёқарашни янгиланишнинг зарурий жиҳатларини қуйидаги йўналишлар билан боғлиқ ҳолда тушунтириш мумкин: а) келажаги буюк давлат барпо этилмоқда; б) фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат куриш ҳақидаги ғоялар таркиб топмоқда; в) сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий ҳаётдаги ўзгаришларни халқимиз онгига сингдириш зарурияти кун тартибига қўйилмоқда; г) ҳар бир фуқарода Ўзбекистон Конституцияси ғояларини эътиқодга айлантириш жараёни давом этмоқда; д) жамиятда осойишталикни ва хавфсизликни таъминлашда ижтимоий-фалсафий дунёқарашнинг роли ортиб бормоқда.

Шундай қилиб фалсафий дунёқараш тизимини шакллантириш ва ривожлантиришнинг объектив-субъектив имкониятлари қарор топмоқда. Булар қуйидагиларда аниқ намоён бўлмоқда: жамиятимизда ижтимоий-сиёсий барқарорлик таъминланган; фуқароларнинг сиёсий, иқтисодий, маънавий ҳақ-ҳуқуқлари қонуний тарзда кафолатланган; жамиятнинг барча

соҳаларини демократлаштириш ва эркинлаштириш давлат сиёсати даражасида амалга оширилмоқда; аҳолининг маънавий-маърифий салоҳияти юксалмоқда.

Агар биз Ўзбекистон тараққиётини жаҳон йўналишлари контекстида қараб чиқадиган бўлсак, шу нарса аён бўладики, муваққиллик туфайли Ўзбекистон ўзига хос, ўзига мос ижтимоий тизимни вужудга келтирди. Уни таркиб топтиришда миллий ва жаҳон сиёсий тарихининг энг яхши аномаларидан ижобий фойдаланилди. Табиийки, бунда республикамизнинг ўзига хос хусусиятлари устивор даражада ўрин эгаллади. Ўзбекистон андозасини белгиладиган асосий омиллари қуйидагилар кириши мумкин: Евроосиё йўлида ҳал қилувчи ўрин тутиш, ер ости бойлигининг кўплиги; энергетик ва сув ресурсларига бойлиги; қулай табиий муҳит; демографик вазият; миллий жиҳатдан аҳоли таркибининг хилма-хиллиги; халқ турмуш тарзида шарқ цивилизациясининг кенг ўрин тутиши; улкан иқтисодий салоҳиятга эга бўлишлик; меҳнат ресурсларининг бойлиги; илмий ва интеллектуал кучларнинг ўсганлиги ва ҳ.к.

Тараққиётнинг "ўзбекона" андозасининг асосий мазмунини И.А.Каримов томонидан белгилаб берилган беш тамойил ташкил этади: иқтисодиётнинг сиёсатдан устуворлиги; давлатнинг бош ислоҳотчи эканлиги; қонуннинг устиворлиги; кучли ижтимоий сиёсат; бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш. Ўзбекистоннинг янгича фалсафаси йўналишига шарқона демократия хусусиятлари, ўтиш даври ижтимоий-иқтисодий негизлари, маънавият муаммолари, жаҳон ҳамжамиятида интеграция жараёнлари ҳам таъсир этувчи омиллар ҳисобланади.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати

1. Абдулла Шер. Ахлоқшунослик. Дарслик. -Т.: УФМЖ, 2010.
2. Абдулла Шер. Эстетика. Дарслик. - Т.:Ўзбекистон, 2016.
3. Основы философии. Учебник. Издание 2-е, переработанное, дополн. /Под ред.М.А.Ахмедовой, В.С.Хана. - Т.: Мехнат. 2004.

4. Пулатова Д. , Иззетова Э. Философия. -Т.: Шаркшунослик, 2012. 340-б
5. Фалсафа. Ахмедова М. Тахрири остида.-Т.: УФМЖ, 2006.
6. Хусанов Б. Гуломов В. Муомала маданияти. Дарслик. - Т.: Иктисод-молия, 2010.
7. Шарипов М. Файзихужаева Д. Мантик. -Т.: Унверситет, 2007.
8. Шермухамедова Н.А. Фалсафа.-Т.: Ношир, 2012. -1207 б.
9. Плутарх. Сайланма. З.Аълам ва Урфон Отажон таржимаси. - Т.: Янги аср авлоди, 2006.
10. Пулатова Д., Кодиров М., Ахмедова М. ва бошк. Фалсафа тарихи: Шарк фалсафаси. Укув кулланма. -Т.: ТДШИ.2013.
11. Пулатова Д., Рузматова Г., Жалолова У. Ахлоқшунослик. Укув кулланма. - Т.: ТДШИ.2013.
12. Пулатова Д.А., Файзихужаева Д.Э. Мантик. Укув кулланма. Т.:ТДШИ., 2013.
13. Соифназаров И. Курс лекций по философии. - Т.: ТДИУ, 2004.
- Туленов Ж., Туленова Г., Туленова К. Фалсафа. Дарслик.-Т.:Фан ва технология, 2016.

Ёпиқ тест саволлари

Савол	Жавоб
Фалсафа“ атамасининг луғавий маъно	Донишмандликни севиш;
Қадимги Юнон фалсафасида атомлар назариясининг асосчиси ким?	Демокрит
Абу Райхон Берунийнинг ёзган асарларини аниқланг?	*«Хиндистон», «Осор ал-боқия», «Геодезия»
Беруний гносеологияда қайси позицияни ёқлаган?	сенсуализмни

2 - МАВЗУ: ДУНЁНИ ФАЛСАФИЙ ИДРОК ЭТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТИ (2 СОАТ)

Режа:

1. Ижтимоий тараққиёт ва фалсафий фикр, уларнинг ўзаро боғлиқлиги. Кишилиқ жамияти тарихий тараққиёти жараёнида фалсафий дунёқарашнинг ўзгариши диалектикаси, унинг ривожланишнинг тарихий ва ижтимоий шакллари билан боғлиқлиги.

2. Фалсафий фикрнинг ижтимоий жараёнлардан илгарилаб кетиш ёки орқада қолиш муаммолари. Мустақиллик ва фалсафий тафаккурнинг ўзгариши зарурияти.

Мавзунинг таянч иборалари: Олам, монизм, дуализм, плюрализм, субстанция, субстрат, индивидуал олам, ижтимоий олам, реал олам, виртуал олам; борлиқ, йўқлик, мавжудлик, реаллик, материя, фазо, вақт, ҳаракат; нарсалар борлиги, табиат борлиги, инсон яратган буюмлар борлиги, инсон борлиги; маънавий борлиқ, индивидуал борлиқ, ижтимоий борлиқ.

Борлиқ нима деган масала ҳамиша фалсафий тафаккурнинг асоси бўлиб келган. Кишиларнинг олам тўғрисидаги илмий- фалсафий дунёқарашини таркиб топтиришда уларнинг борлиқ ҳақидаги қарашлари алоҳида ўрин тутган.

Ҳозирги замон фалсафий адабиётларида “борлиқ” тушунчасини тор ва кенг маънода қўллаш ҳолларига дуч келамиз. **Тор маънода** “борлиқ” онгга боғлиқ бўлмаган объектив олам, **кенг маънода** - бу барча мавжуд нарсалардир.

Борлиқ тўғрисидаги дастлабки тасаввурлар қадимги дostonларда,

эртақларда, диний мадҳияларда учрайди. Бу масалада қадимги Ҳинд, Хитой, юнон ёдгорликлари катта материал бериши мумкин.

Қўхна Ҳиндистонда яратилган қадимги диний мадҳияларда, хусусан “Махабхарата”, “Ригведа”, “Рамаёна”, “Упанишад”ларда одамнинг яратилиши хусусида гап борганда, “йўқлик” ва “борлик” ҳақида маълумотлар берилади. “Ригведа”да айтилишича, оламнинг пайдо бўлишида “асат”деб аталувчи ибтидо бош ролни ўйнаган. “Асат” имконий борлик, яъни “йўқлик” демакдир. “Асат” аста-секин “сат”(“мавжудлик”)ка айланган.

Қадимги Хитойда кенг тарқалган даосизмнинг асосчиси Лао-цзининг фикрича, “борлик” асосида “дао” ётади. У “ци” элементи билан биргаликда ҳаёт негизини ташкил этади. Қадимги юнон фалсафасида, айниқса Гераклит карашларида бу масала муҳим ўрин тутган. Унинг фикрича, айтиб бериш жисми айтиб вақтда ҳам “мавжуд”, ҳам “мавжуд эмас”. Демокрит айтадики, “борлик” “йўқлик” бўлишини талаб этади. Борлик “қаттиқлик” ёки моддийликдир. “Йўқлик” эса “бўшлиқ”дан иборат, аммо ҳар иккаласи ҳам мавжуддир. Афлотун борлик деганда моддий жисмларни тушунган. Нарсалар борлигини ғоялар дунёси борлигидан фарқлаган. Афлотун борликни “чин” ва “чин бўлмаган”га ажратади. Ғоялар дунёси “чин”, нарсалар дунёси эса “чин бўлмаган”га киради. Афлотун оламни нарсалар борлиғига бўлиб юбориш билан бирга, айтиб вақтда “ғоялар” дунёси мавжудлигини нарсалар борлиғи билан қўшишга уринади.

Яқин ва Ўрта Шарқ фалсафасида Киндий, Форобий, Ибн Сино, Умар Ҳайём, Ибн Рушд каби нарсалар борликни иккига - вужуди мумкин ва вужуди вожибга бўладилар. Уларнинг фалсафасида борликнинг бош сабабчиси Аллоҳ (вужуди вожиб)дир. Демак, Аллоҳ ва у яратган нарсалар бир-бирлари билан ўзаро боғланган бирликни ташкил этади. Чунончи, Жомий шундай ёзади: “Тангрини оламдан ажралган деб ҳисоблама, зероки, барча олам тангридадир, Тангри эса оламда”.(Қаранг: Б. Искандаров. Тасаввуф фалсафаси. Т. 1995, 216.)

Борлик муаммосининг ҳаётий илдизлари ва фалсафий маъноси ни

тушуниб етиш муҳимдир. Борлиқ ва йўқлик тўғрисидаги тасаввурлар қандай пайдо бўлган? Инсоният қадимдан бошлаб олам борлиғи, ўз борлиғи, ўзгалар борлиғи устида бош қотирган. Олам азалдан борми? Ёки яратилганми? Одамлар-чи? Одам туғилади, яшайди, вояга етади, бир кун келиб оламдан кўз юмади, у бор эди, бўлган эди, энди йўқ, ломакон бағрига сингиб кетади, йўқлик сари йўл олади. Туғилиш бор экан, ўлим ҳақ. Бу - ҳаёт қонуни. Самад Вурғун тўғри таъкидлаганидек, “тўрт фаслни ўтказмоқлик табиатга бир қонун, туғилмоқлик ва ўлмоқлик бу ҳаётга бир қонун”.

Инсон ҳаётидаги фожиалар ичида энг даҳшатлиси ўлимдир. Ўлиш ваҳимаси одамлар иродасини ўзига ром қилган. Ўлим нима? У борлиқми ёки йўқликми? Одамлар уни билишга қизиққанлар, жавоб излаганлар. Чунончи, В. Шекспир Гамлет тилидан қуйидагиларни баён қилган эди: “Яшаш керакми, ўлиш керакми? Надир афзал? Мана масала. Ўлиш унутилиш, у қандайин диёрки, унга борган йўловчи кўп, аммо ундан қайтган бирор бир йўлчи йўқ.”

Демак, борлиқ кенг маънода мавжудлик тўғрисидаги энг умумий тушунчадир. Борлиқ ва реаллик ғоят кенг тушунчалар - синонимлардир. Борлиқ мавжуд барча кўринадиган ва кўринмайдиган нарсалар. Булар - моддий нарсалар, жараёнлар (физик, кимёвий, биологик, ижтимоий, руҳий, маънавий ва х.к.), бу -уларнинг хоссалари, алоқалари ва муносабатларидир. Фантазиянинг маҳсулоти бўлган эртақлар, мифлар, энг нозик ҳаёллар - булар ҳам маънавий реалликнинг кўринишлари, борлиқнинг таркибий қисми сифатида бор нарсалардир.

Борлиқнинг тескариси “Йўқлик” ҳисобланади. Борлиқ ва Йўқлик бири-бирисиз мавжуд эмас, агар уларнинг бир-бирига ўтиши бартараф қилинса, ҳамма нарса ўз аҳамиятини йўқотиши мумкин. Нега? Чунки ҳаракат тўхташи мумкин, бунда мавжудлик ўзининг муҳим, асосий ва ажралмас белгиларидан маҳрум бўлади. Энг қаттиқ кристаллар, юлдузларнинг тўдаланиб тўпланиши, у ёки бу ўсимликлар, ҳайвонлар, инсонлар гўё Йўқликдан келиб чиққандек бўлади, (улар худди шундай тарзда ҳеч қачон бўлмаган), борлиққа айланади.

Нарсаларнинг борлиғи қанчалик узоқ вақт давом этмасин, ниҳоясига етади ва конкрет сифат тарзи (дейлик, шахсан шу инсон)да Йўқликка кетади.

Борлиқ ва Йўқлик муаммоси шу қадар ҳаётгийки, у ҳозирги кунда ҳам долзарб бўлиб турибди. Инсониятнинг яшаб қолишини таъминлаш, борлиғини таъминлаш, термо-ядро урушининг Йўқлик сари даҳшатли қадам кўйишининг олдини олиш ҳамма вақт муҳим масаладир.

Олам борлиғи вақт ичида абадийми - ўткинчими? Фазода-чи? Маконда чекланганми ёки чекланмаганми? Ҳаёт ва мамот масаласи-чи? Бу саволлар борлиқ категориясини илмий ўрганишни кун тартибига кўяди. Яхлит олам борлиғи билан одам борлиғини қиёсласак, инсон ҳаёти бу жараёнда капалак умрига қиёс этгулик. (Ғ.Ғулом) Ҳаёт шу қадар тез ўтадики, конкрет одамнинг ҳаёти жуда қисқа эканлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Борлиқнинг фалсафий маъносини чуқурроқ тасаввур этиш учун унинг конкрет шакллари кўриб чиқиш лозим бўлади.

Фалсафий адабиётларда борлиқнинг қуйидаги шакллари мавжудлиги эътироф этилади:

Нарсалар, табиий жараёнлар борлиғи. Табиий борлиқнинг биринчи кўриниши инсонга қадар, инсон ва унинг онгидан ташқарида, унга боғлиқ бўлмаган моддий борлиқ ҳисобланади. Моддий борлиқ - бу нарсалар, уларнинг хоссалари, муносабатлари, жараёнлари борлиғидир. **"Нарса"** тушунчаси ўз хоссасига эга ва бошқалар билан муносабатда бўладиган предметни, объектни билдиради. **"Хосса"** предметдаги бошқа предметлар билан ўхшаш ёки ўхшамайдиган томонлардир. **"Боғланиш"** - оламнинг абадий тараққиётидаги алоҳида моментни билдиради. Шу маънода барча нарса-ҳодисалар ўзаро таъсирда ва ўзаро боғланган бўлади. Объектларнинг бир-бирига таъсири ва шу асосда уларнинг ўзгаришига олиб келадиган ҳодиса **"ўзаро таъсир"** дейилади. Буларни одатда "бирламчи табиат" ибораси билан тушунтирадilar. Табиий борлиқнинг бу шакли инсон фаолиятининг дастлабки шарти сифатида мавжуд бўлган табиий нарса-ҳодисалар ва жараёнлардир. Инсон пайдо бўлгач, уларга таъсир эта

бошлайди, бу жараённинг узоқ ва мунтазам равишда амал қилиши оқибатида инсон кўли билан яратилган нарса-ҳодисалар ва жараёнлар юзага келади. Буларни олдингилардан фарқлаш мақсадида “иккинчи табиат” деб атайдилар.

“Бирламчи табиат” борлиқнинг алоҳида махсус шаклидир. Бунда бир бутун табиат борлиғини унинг алоҳида нарсалари, жараёнлари, ҳолатлари борлиғидан фарқ қилиш лозим.

Яхлит табиат борлиғи фазо ва вақт доирасида чексиздир, у доимо ва ҳамма жойда мавжуд бўлган, мавжуддир ва мавжуд бўлади. Лекин табиатга хос бу асл хислат унинг алоҳида ҳодисалари, жараёнлари, ҳолатларига бир бутунча даҳлдор бўлмаслиги мумкин. Бинобарин, улар пайдо бўлиш, ўзгариш, ривожланиш, сўниш жараёнларини бошидан кечириб туради. Табиат бир бутун, ўткинчи эмас деб фикрлаганимизда, унинг яхлит ўзини эмас, балки унинг айрим, конкрет ҳодисаларига хос хусусиятни назарда тутган бўламиз, демак, табиат эмас, унинг алоҳида ҳодисалари ўткинчи. Шу манодо табиат ўткинчимас ва ўткинчиликнинг узвий бирлигидан иборат.

Инсонни қуршаб олган табиат тушунчасига табиатнинг ўзидан ташқари яна инсон яратган буюмлар ҳам киради. Инсон ақли ва меҳнати билан яратилган нарсалар “иккинчи табиат” эканлиги юқорида таъкидлаб ўтилди. У “бирламчи табиат”дан нимаси билан тафовут қилади? Аввалам бор, инсон кўли билан яратилганлиги, унга инсон меҳнати ва билими сарфланганлиги билан фарқланади, деб жавоб бериш мумкин. “Иккинчи табиат”да инсон меҳнати ва билимлари “предметлашади”, унда “ижтимоий рух” гавдаланади. “Иккиламчи табиат” маҳсулотлари муайян ижтимоий вазифани бажаради. Масалан, дастгоҳ. У мато тўқийди, инсон мақсадларини объективлаштиради. "Иккинчи табиат" - цивилизациялашган борлиқдир.(телемарказлар, музейлар, театр, кийим-бош, компютер ва ҳ. к.)

Борлиқнинг ҳар иккала кўриниши ўзаро айният ва тафовут бирлигини билдиради. Бирламчи табиат чексиз, чегарасиз, ўткинчи бўлмаган борлиқ, лекин унинг айрим ҳодисалари, масалан, одам ўткинчидир. "Иккинчи табиат" да табиат қонунлари эмас, балки инсоннинг қайта яратувчилик қонунлари

амал қилади. Ҳар икки табиат бири-бири билан ўзаро боғланган бўлса ҳам, улар ўртасида тўқнашув даражасига етиб борадиган муносабатлар ҳам йўқ эмас. Бу ўринда ҳозирги пайтда юзага келган экологик, энергетик муаммоларни эслаш кифоя. И.А.Каримов айтганидек, “табиат ва инсон ўзаро муайян қонуниятлар асосида муносабатда бўлади. Бу қонуниятларни бузиш ўнглаб бўлмас экологик ҳалокатларга олиб келади” (И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. 112-113-Бетлар).

Инсон борлиғи. Алоҳида одам борлиғи ҳамда инсоният борлиғи ўзига хос ҳодисадир. Шунингдек, уларнинг ҳар иккаласига хос бўлган умумийлик ҳам бор. Инсон танаси табиатники, шу маънода у жисмлар ичидаги жисмдир. Унинг табиатга тегишли бўлган жисми ўткинчи. Одам умрини нечоғлик даражада узайтиришга уринмайлик, биринчи галда у табиат жисми бўлиб қолаверади. Айни вақтда одамнинг инсоний моҳиятга эгаллиги, ижтимоий муносабатларни ўзида гавдалантирганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, уни “нарса” ёки “объект” тушунчалари билан белгилаш унчалик тўғри эмас. Минг афсуски, совет замонида инсон ишлаб чиқаришнинг оддий мурватига айлантирилган эди. Мустақиллик туфайли инсоннинг ҳақиқий моҳияти, миллий қиёфаси, тарихий ўрни тикланмоқда.

Биологик жиҳатдан одам танаси, жисми озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жой ва бошқа моддий неъматларга катта эҳтиёж сезади. Инсон борлиғи нечоғлик ўзига хос бўлмасин, биринчи галда у тана ва жон бирлиги, жонли мавжудотнинг тури сифатида яшаши учун зарурий моддий эҳтиёжларни қондириши зарурдир. Тана яшамаса, одам яшай олмаслигини исбот қилиш шарт эмас. Айни вақтда инсоннинг фикрлаши учун танасига зарур моддий озиқ лозим. Бундан ҳар бир индивид ўзининг шахсий ҳаётини сақлаб қолиш ҳуқуқи келиб чиқади. Бундай ҳуқуқнинг бошланғич нуқтаси ҳаётни, индивид ҳаётини таъминлаш ва ниҳоят инсоният яшаб қолишига эришишдан иборатдир.

Инсоннинг табиий-биологик “ўлчови” эҳтиёткорликни талаб қиладиган ҳодисадир. Инсон организмига хос экологик мувозанат нисбати бузилса,

фалокатли оқибатларга олиб келиши эҳтимолдан йироқ эмас. Шунингдек, инсон жисми унинг руҳияти билан узвий боғланган. Тана ва рух соғломлигининг аҳамияти ҳақида тўхтаб ўтиришнинг хожати бўлмаса керак.

Ниҳоят, инсон меҳнат соҳиби сифатида ишлаб чиқариш билан боғлиқ. Одам, унинг табиий эҳтиёжи ва ишлаб чиқариш ўртасида ўзаро алоқадорлик мавжуд. Демак, табиий тана билан ижтимоий борлиқ ўртасида ўзаро узвий бирлик бор.

Инсон борлигининг ўзига хос хусусиятлари уч муҳим ўлчов-меёрга эга. **Биринчидан**, алоҳида одам-фикрловчи ва ҳис этувчи жисм. **Иккинчи ўлчов** инсон - ақлли моҳият. **Учинчидан**, инсон - ижтимоий-тарихий мавжудот. Демак, инсон табиийлик, маънавийлик, индивидуаллик, шахсийлик ва ижтимоийликнинг йиғиндисидан иборат.

Маънавий борлиқ. Маънавий ҳаёт - инсон борлигининг таркибий бўлаги. Маънавият инсон билимлари, ахлоқий, ҳуқуқий қарашлари тизими, бадиий ижодиётнинг меёр ва мезонлари мажмуидан иборат. Маънавий борлиқ - онг ва онгсизлик жараёнлари, табиий ва сунъий тилларнинг моддийлашган шаклларида гавдаланган билимлардан иборат. Маънавий борлиқни унинг мавжудлик шаклларига қараб туриб икки турга бўлиб ўрганиш мумкин. Биринчисини - индивид онги ва руҳияти билан боғланган индивидуаллашган маънавий борлиқ, иккинчисини индивид онгидан ташқарида турувчи объективлашган маънавий борлиқ дейиш мумкин.

Индивидуаллашган маънавий борлиққа қуйидагилар қиради: алоҳида олинган кишининг ҳис-туйғулари, ички руҳий кечинмалари, орзу-истаклари, хотираси, таассуротлари, фикрлари, хаёллари, қарашлари, ғоялари, онг ости ва онгсизлик жараёнлари ва х.к. Инсон фикрлари реал, лекин у маънавий кўринишдаги реаллик. Онгнинг барча шахсий ҳамда ижтимоий феноменлари борлиқ маъносига эга. Бу ерда фақат реалликнинг турлича даражалари бўлиши мумкин, холос.

Кўпайтириш жадвалини олиб кўрайлик. Бу реалликми-йўқми? Албатта, реаллик. Қандай реаллик? Албатта, моддий, ашёвий эмас, маънавий-рамзий

реаллик. Бу жадвалдаги кўпайтириш принципнинг ўзи ҳам реаллик, албатта, идеал реаллик, бироқ энди у рамзий эмас, балки соф реалликдир.

Индивидуаллашган маънавий борлиқнинг қуйидаги хусусиятлари мавжуд: биринчидан, унда содир бўлаётган жараёнларни ташқаридан кузатиш мумкин эмас. Иккинчидан, унга хос жараёнлар индивиднинг дунёга келиши билан шаклланади, оламдан ўтиши билан якун топади. Умуман борлиқнинг бу шаклини руҳиятшунослик фани устивор даражада ўрганади.

Объективлашган маънавий борлиқ эса инсон онгида пайдо бўлган ғоялар, фикрлар, қарашларнинг онг доирасидан ташқарига чиқиб, нарсалар шаклида гавдаланишидир. У табиий ва сунъий тилларнинг образли белгиларида, саноат асарларида, маданият обидаларида мужассамлашади. Унинг бир кўриниши нутқдир. Тил ўзида онгни реаллаштиради, юзага чиқаради, умуман тилда фикр моддийлашади. Тилнинг моддий воситалари товушлар, сўзлар, гаплар ва х.к. Бундан ташқари, инсоният яратган ёдгорликлар, китоблар, ноталар, ранглар, куйлар, рақслар, лойиҳалар, моделлар маънавий борлиқнинг объективлашган кўринишларидир.

Ижтимоий борлиқ. Ижтимоий борлиқ индивидуал, якка шахс ва жамият борлиғининг бирлигини билдиради. “Ижтимоий борлиқ дейилганда, индивидуал якка шахс ва жамият ҳаётининг ҳамма томонлари эмас, балки фақат уларнинг моддий ҳаёти тушунилади”. (Фалсафа. Ўқув қўлланма. Тошкент. 1999, 176-бет). Гап шундаки, кишиларнинг моддий ҳаёти уларнинг хоҳиш-иродаларига боғлиқ бўлмаган ҳолда ишлаб чиқариш муносабатларидан (уни ўзида жамловчи иқтисодий ҳаёт)дан иборатдир. Шу маънода ижтимоий борлиқ жамиятнинг яхлит моддий ҳаётини, моддий неъматлар яратиш ва ишлаб чиқариш жараёнида кишилар амалга оширадиган муносабатларни назарда тутаяди.

Англашиладики, борлиқ абстракт фалсафий категория бўлиб, мазмунан мавжуд нарсаларнинг барчасини қамраб олади. Бироқ реал оламни мавҳум борлиқ эмас, балки предметлар, нарсалар, жараёнларнинг конкрет хилма-хиллиги ташкил этади. Планетамизда минералларнинг 30000 хили,

Ўсимликларнинг 50000 тури мавжуд. Фанга хайвонларнинг 2 млн. тури маълум. Ер юзининг турли худудларида кўплаб халқлар яшайди, ранг-баранг мамлакатлар, маданиятлар ва цивилизациялар мавжуд. Ер планетасидан ташқарида фақат бизнинг Галактикада 100 млрд юлдуз бор. Оламнинг бу ўта ранг-баранг манзараси ҳақида ўй сураб экан, инсон куйидаги муаммоларга дуч келади: олам қанчалик ранг-баранг, турли-туман бўлишига қарамай, борлиқнинг бутун турини бирлаштирадиган қандайдир бирлик, қандайдир асос мавжудми, агар шу нарса мавжуд бўлса, у нимадан иборат? Бу муаммони ҳал этишга интилиш фалсафада монизм, дуализм ва плюрализм таълимоти, уларнинг моҳиятини ифодаладиган субстанция категорияси ишлаб чиқилганлиги маълум. Бу ҳақда биринчи маърузамизда айтиб ўтилди..

Энди борлиқ мавжудлигининг усуллари ва шакллари тўғрисидаги масала билан танишиб ўтайлик.

Биз бу ерда борлиқ тушунчаси билан материя тушунча ўртасидаги хусусий ва умумий жиҳатларни белгилаб олишимиз лозим. Материя борлиғи борлиқ тушунчасига нисбатан тор маънога эга, чунки материя тушунчасига борлиқнинг ҳамма шакллари (мас. маънавий борлиқ) қирмайди.

Шундай бўлишига қарамай, “материя” тушунчаси ҳақида қисқа бўлса-да тўхтаб ўтиш лозим. Бинобарин “борлиқ” тушунчаси биринчи галда “материя” тушунчасида конкретлаштирилади. “Материя” категорияси, юқорида айтилганидек, объектив реалликни ифодалайди. “объектив реаллик” нима? Бу - инсон онгидан ташқарида ва унга боғлиқ бўлмаган нарсалардир; материя - билиб олинadиган объектив реалликдир.

Бундай таъриф жуда кенг ва материянинг онгга боғлиқ эмаслиги, ундан ташқарида мавжуд бўлиши, шунингдек уни билиш мумкинлигини кўрсатади, холос. Бироқ материянинг яна шундай хоссалари борки, улар бутун материя учун ҳам, айрим олинган моддий объект учун ҳам хосдир.

Айтиш керакки, борлиқнинг тегишли шакллари ва турларига мувофиқ ҳаракат ҳам моддий ва маънавий шаклда юз бериши мумкин. Адабиётларда моддий ҳаракатнинг куйидаги шакллари мавжудлиги қайд этилади: механик

ҳаракат, физик ҳаракат, кимёвий ҳаракат, биологик ҳаракат, ижтимоий ҳаракат. Алоҳида инсоннинг ва жамиятнинг маънавий, тафаккур фаолияти билан боғланган барча жараёнлар ҳаракатнинг идеал- маънавий шаклига киради.

Борлиқ мавжудлигининг асосий структурал шакллари фазо ва вақт киради. Фазо ва вақт деганда нима назарда тутилади? Биз кундалик амалиётимизда мазкур масалага алоқадор кўп тушунчаларга дуч келамиз: “жой”, “кўлам”, “масофа”, “текислик”, “чуқурлик”, “узунлик”, “кенглик”, “узоқлик”, “яқинлик”, “торлик”, “бу ер”, “у ер”, “баландлик”, “пастлик”, “ўнг”, “чап”, “олдин”, “аввал”, “ҳозир”, “кейин”, “эрта”, “яқинда”, “узоқ”, “лаҳзада”, “бутун”, “кеча”, “эртага”, “ҳозирда”, “ўтмиш”, “келажак”, “шу пайт” ва х.к. Бу ва шунга ўхшаш тушунчалар умумий ва хусусий белгиларга эга бўлган воқеаларнинг фазо-вақт нуқтаи назаридан хусусиятларини билдиради. Адабиётларда ёзилганидек, фазо ва вақтнинг хоссалари материянинг хоссалари билан белгиланади, материя эса чексиздир, ғоятда ранг-барангдир, демак, фазо ва вақт ҳам шунга кўра ранг-барангдир.

Фазо ва вақт ҳаракатланувчи борлиқ билан ўзаро боғланган. Фазо ва вақтнинг умумий томонлари мавжуд:

биринчидан, фазо ҳам, вақт ҳам – объектив;
иккинчидан, фазо ва вақт борлиқ, мавжудлигининг умумий шакли;
учинчидан, улар ўзаро узвий боғланган;
тўртинчидан, улар борлиқ ва ҳаракат билан чамбарчас боғланган;
бешинчидан, фазо ва вақт миқдор ва сифат томонидан чексиз ва чегарасиз;
олтинчидан, фазо ва вақт ўз тузилишига кўра узлуклилик ва узлуксизликнинг бирлигидан иборат.

Фазо ва вақт ўз белгиларига ҳам эгадир. Фазо уч ўлчовлидир: узунлиги, эни ва баландлиги. Вақтнинг ўлчови эса биттадир: ўтмишдан бугунги кун орқали келажакка томон йўналиш. У қайтарилмасдир, такрорланмасдир.

Фазо ва вақт тўғрисидаги фалсафий қарашлар муҳим методологик аҳамиятга эгадир. Айниқса, кишиларнинг илмий дунёқарашини

шакллантиришда уларнинг роли каттадир. Вақтнинг такрорланмаслиги, қайтмаслиги инсон дунёда бир мартагина яшашини кўрсатади, унга кўра бу ҳаётни маънавий жиҳатдан тўғри ташкил этиш, дунёга меҳр-муҳаббат билан муносабатда бўлиш инсон ҳаётининг маъно ва мазмунини ташкил этиш керак. Ёшларнинг Ватан ва вақт тўғрисидаги оқилона фикрларини шакллантириш, шу асосда ҳаёт кечиришларига кўмаклашишда фазо ва вақт тўғрисидаги фалсафий, илмий концепция муҳим тарбиявий, маънавий омил бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Бизга маълумки, табиатни фалсафий таҳлил қилиш қадимдан бошлаб ҳозиргача файласуфларни қизиқтириб келган. Қадимги юнон фалсафасида ҳам, ўрта аср Шарқ фалсафасида ҳам, янги давр Ғарб фалсафасида ҳам табиатни фалсафий таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этган. Фалсафанинг бу соҳаси табиат фалсафаси ёки натурфилософия деб аталган.

Табиат тушунчаси жуда кенг кўламда ишлатилади. Табиат мавжуд нарсаларни - юлдузлар, галактика ва метагалактика системалари, макон ва замондаги энг кичик заррачалардан тортиб ўсимликлар, инсонлар олами - ҳамма-ҳаммасини ўз ичига қамраб олади. Бироқ табиат тушунчасининг торроқ маъноси ҳам бор. Бу инсон ва инсоният яшашининг табиий шароитлари мажмуидир. Бу табиий муҳит ёки географик муҳит деб ҳам юритилади.

Одатда табиат ўзига хос қонуниятлар асосида тараққий этувчи органик ва анорганик моддалар йиғиндисидан иборат бўлиб, табиатшунослик фанлари ўрганадиган ва тадқиқ қиладиган объектдир.

Табиатнинг ажралмас қисми бўлган Ер органик моддалар, тирик мавжудотлар оламга келмасдан аввал космик жисмларнинг мураккаб ҳаракатлари натижасида пайдо бўлган. Тирик табиат анорганик табиатнинг миллиард йиллар давомида тараққий этиши натижасида Ер, Қуёш ва бошқа планеталар ўртасидаги узлуксиз модда алмашувининг маҳсули сифатида муайян шарт - шароитда пайдо бўлган.

Ҳозирги замон илмий тасаввурларга кўра Ердаги ҳаёт белгилари 3, 8

млрд. йил аввал вужудга келган. Тахминан 2 млрд. йил аввал фотосинтезга лаёқатли биринчи хужайра пайдо бўлди. Дунёда қотиб қолган, ўзгармайдиган, ривожланмайдиган ҳеч бир нарса йўқ. Масалан, Ер ва Қуёш атрофидаги бошқа планеталар табиатшунос олим О.Ю.Шмидт гипотезасига биноан жуда ҳам узоқ ривожланиш жараёида жисмлар тўпланишидан келиб чиққандир. Радиоактивлик натижасида Ерда турли ўзгаришлар юз бериб туриши, узоқ ривожланиш жараёида табиатда кимёвий ўзгаришлар натижасида органик қўшилмалар (жисмлар) пайдо бўлган. Органик жисмлар, оксил моддалар, нуклеин кислоталар вужудга келган. Вақт ўтиши билан табиий ҳолатда ҳосил бўлган органик моддалар ўзгариб, мураккаб оксил молекулаларнинг пайдо бўлиши учун асос бўлган. Юқори молекуляр моддаларнинг аста - секин эволюцион ривожланиши модда алмашув қобилятига эга бўлган тирик оксилларнинг таркиб топишини таъминлаган. Ўз навбатида бу ҳаётнинг пайдо бўлишига олиб келган.

Табиатдаги ҳамма нарса ва ҳодисаларнинг ўзгариб, такомиллашиб, ривожланиб туриши одамнинг келиб чиқишига ҳам сабабчи бўлган.

Табиат - табиий ресурслар манбаидир. Табиий ресурслар - ёнилғи, ҳаво, сув, ҳар хил хом-ашёлар бўлмаса, инсон, жамият яшай олмайди, саноат, қишлоқ хўжалиги ва маданиятни юксалтириб бўлмайди.

Инсоннинг табиатга бўлган муносабати натижасида табиат бутунлай ўзгариб кетди. Айниқса, кейинги минг йилликда инсон фаолияти натижасида ер шари юзаси, иқлими, ўсимлиги, ҳайвонот дунёси таниб бўлмас даражада ўзгариб кетганлиги бунга мисол бўла олади. Очiq айтиш керакки, инсоннинг истиқболни ўйламай қилган хатти-ҳаракатлари, кўр-кўрона қилмишлари туфайли табиат беҳад озор чекди, кўп нарсалардан абадий жудо бўлди. Ҳар хил космик чангллар, атомлар, электр станциялари, автомобиллар сонининг тез ўсиб бориши, радио актив моддалар ва бошқалар таъсирида ҳаво тоқат қилиб бўлмайдиган даражада ифлосланмоқда. Атроф муҳитнинг радиоактив ва кимёвий чиқиндилар билан булғаниши аҳолининг чорва моллари, парандалар, дарё ва кўллардаги, сув омборларидаги ва океанлардаги балиқ ва

бошқа жониворларнинг кўплаб захарланишига сабаб бўлмоқда. Регионал, миллий ва жаҳон миқёсларида сув системалари, ўрмонлар, тупроқ қатлами таназзулга юз тутаётганлиги қайд қилинмоқда. Сўнгги 500 йил мобайнида инсоният томонидан Ер юзидаги ўрмонларнинг 2/3 қисми йўқ қилинди. Ҳар йили жаҳон океанига 10 миллион тоннагача миқдорда нефть ва нефть маҳсулотлари келиб тушади. Хўжалик фаолиятида атмосферани, тупроқ ва ҳавзаларни захарловчи чиқиндилар икки барабар ошиб кетди.

Инсон ўзининг кўп асрлик хўжалик фаолиятида 72 ҳайвон турини бутунлай йўқ қилиб юборди. Биргина Ўзбекистонда ҳам Турон йўлбарси, йўл-йўл сиртлон каби ҳайвонлар йўқ бўлиб кетди. Окқуйруқ, Қорақулоқ, Устюрт қўйлари, Бухоро буғуси, оқтирноқли кўнғир айиқ кабилар эса йўқ бўлиш арафасида турибди.

XX аср ўрталаригача, ҳатто 90 йилларгача ҳам инсон табиатга ҳоким, уни истаганча ўзгартириши, иродасига бўйсундириши мумкин, деган нотўғри фикр устунлик қилиб келди. Ўша шароитларда бу фикр дунёнинг кўпчилики мамлакатларида, жумладан, ўзимизда ҳам қўллаб-қувватланди. Натижада қанча-қанча лойиҳалар вужудга келди. Дарё ва кўллардаги балиқ ва парандалар, ҳайвонлар эҳтиёжидан ортиқча овланди ва кўпчилиги йўқ бўлиб кетди. Қачонлардир Амударёнинг ўзидагина 140дан ортиқ балиқ тури бўлганига энди ишониш қийин. Ўрмонларга нисбатан ҳам кўр-кўрона муносабатда бўлиш туфайли Ер шарида 100 йил аввал 7200 миллион гектар ўрмондан ҳозир 4100 миллион гектари қолди. Шу сабабли ҳам табиатни муҳофаза қилиш бугунги кунда инсоният олдида турган долзарб муаммо бўлиб қолмоқда.

Минтақамиздаги экологик вазият ҳам анча мураккабдир. Айниқса, пахтани парвариш қилиш учун кўп миқдорда ва бир неча йиллар мобайнида ишлатилган захарли кимёвий моддалар туфайли ер, сув, ҳаво захарланиши, Орол муаммоси, Семипалатинск полигонидаги ядровий қуроқларни портлатиш натижасида неча минг километр атрофдаги вазият ёмонлашмоқда.

Президентимиз И.А.Каримов ўзининг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида”

асарида таъкидлаганидек “Экология ҳозирги замоннинг кенг миқёсдаги кескин ижтимоий муаммоларидан биридир. Уни ҳал этиш барча халқларнинг манфаатларига мос бўлиб, цивилизациянинг ҳозирги куни ва келажаги кўп жиҳатдан ана шу муаммонинг ҳал қилинишига боғлиқдир”.

Президентимиз шу муносабат билан республикамызда вужудга келган ҳавфли вазиятнинг қўйидаги кўринишини кўрсатиб ўтади: ернинг чекланганлиги ва унинг сифат таркибининг пастлашиб бориши; ер ости ва усти сувларининг кескин тақчиллиги ҳамда ифлосланиши; Орол денгизи муаммоси; ҳаво бўшлиғининг ифлосланиши. Айни вақтда экологик ҳавфсизликни кучайтиришнинг 6 та йўналишини таъкидлайди. Булар қўйидагилардир: тегишли технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш; қайта тикланадиган заҳираларни қайта ишлаб чиқаришнинг табиий равишда кенгайтириши таъминлаш, табиий заҳираларнинг ҳамма турларидан оқилона фойдаланиш; катта-катта ҳудудларда табиий шароитларни табиий заҳиралардан комплекс фойдаланиш учун илмий асосланган ҳолда ўзгартириш; жонли табиатнинг бутун табиий генофондини маданий экинлар ва ҳайвонларнинг янги турларини кўпайтириш ҳисобига база сифатида сақлаб қолиш; аҳоли пунктларида яшаш учун қулай шароит яратиш; жаҳон жамоатчилиги Эътиборини минтақанинг экологик муаммоларига қаратиш.

Энди инсон табиатдан фойдаланибгина қолмасдан, уни сақлаш ва ҳимоя қилишни ҳам ўз олдига вазифа қилиб қўйиши керак. Табиатни эозозлашда ва сақлашда ҳеч қандай ҳудудий тўсиқлар бўлиши мумкин эмас, чунки бир мамлакатда рўй бераётган экологик инқироз бошқа жойларга ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Табиат муқаддас бир даргоҳ, инсон кўз очиб кўрган дунё бамисоли она қучоғи, инсон учун бешиқдир. Биз яшаб нафас олиб, кун кечириб, тирикчилик ўтказиб турган табиат, унинг таркибий қисми булмиш Еримиш - ҳамманинг, бутун инсониятнинг умумий уйи, умумий маконидир. Шундай экан, уни кўз қорачиғидек сақлаш атроф-муҳитнинг ифлосланишига йўл қўймаслик умумдавлат, умумий инсоният ишидир.

Экологик инқироз ишлаб чиқариш инқирози бўлибгина қолмай, айни

вақтда ижтимоий-сиёсий муаммо ҳамдир. Чунки табиатни муҳофаза қилиш - бу ривожланиш ва халқ фаровонлигини оширишнинг заминидир. Шунинг учун ҳам республикамизда табиатни муҳофаза қилишни давлат йўли билан бошқариш ва назорат қилиб туришга катта аҳамият берилаётганлиги бежиз эмас. Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитасининг, Оролни сақлаш, ЭКОСАН ва бошқа жамғармаларнинг таосис этилиши, табиатдан унумли фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муоммоларига оид минтақавий, жаҳон илмий-амалий анжуманларининг ўтказилиши, табиатни муҳофаза қилиш ишларига жамоатчиликни жалб қилиниши ҳам бежиз эмас.

Хулоса қилиб айтганда, эндиликда Ерда ҳаётнинг сақланиб қолиши инсонларнинг ўз қўлидадир. Ерда ҳаётнинг сақлаб қолишнинг биринчи навбатдаги шарти ядровий урушнинг олдини олишдир. Тирикликни барҳам этувчи бошқа манбалари ҳам мавжуд бўлиб, улар инсонларнинг турли фаолиятлари билан боғлиқдир. Одамлар буларни тушуниб етсалар, уларнинг олдини олсалар, ўз фаолиятларини ҳаётни барҳам этувчи манбаларга қарши қаратсалар Ер юзида ҳаётни сақлаб қолиш мумкин. Бизга маълумки, табиатни фалсафий таҳлил қилиш қадимдан бошлаб ҳозиргача файласуфларни қизиқтириб келган. Қадимги юнон фалсафасида ҳам, ўрта аср Шарқ фалсафасида ҳам, янги давр Ғарб фалсафасида ҳам табиатни фалсафий таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этган. Фалсафанинг бу соҳаси табиат фалсафаси ёки натурфилософия деб аталган.

Табиат тушунчаси жуда кенг қўламда ишлатилади. Табиат мавжуд нарсаларни - юлдузлар, галактика ва метагалактика системалари, макон ва замондаги энг кичик заррачалардан тортиб ўсимликлар, инсонлар олами - ҳамма-ҳаммасини ўз ичига қамраб олади. Бироқ табиат тушунчасининг торроқ маъноси ҳам бор. Бу инсон ва инсоният яшашининг табиий шароитлари мажмуидир. Бу табиий муҳит ёки географик муҳит деб ҳам юритилади.

Одатда табиат ўзига хос қонуниятлар асосида тараққий этувчи органик ва анорганик моддалар йиғиндисидан иборат бўлиб, табиатшунослик

фанлари ўрганадиган ва тадқиқ қиладиган объектдир.

Инсон ўзининг кўп асрлик хўжалик фаолиятида 72 хайвон турини бутунлай йўқ қилиб юборди. Биргина Ўзбекистонда ҳам Турон йўлбарси, йўл-йўл сиртлон каби хайвонлар йўқ бўлиб кетди. Оққуйруқ, Қорақулоқ, Устюрт қўйлари, Бухоро буғуси, оқтирноқли кўнғир айиқ кабилар эса йўқ бўлиш арафасида турибди.

XX аср ўрталаригача, ҳатто 90 йилларгача ҳам инсон табиатга ҳоким, уни истаганча ўзгартириши, иродасига бўйсундириши мумкин, деган нотўғри фикр устунлик қилиб келди. Ўша шароитларда бу фикр дунёнинг кўпчилиги мамлакатларида, жумладан, ўзимизда ҳам қўллаб-қувватланди. Натижада қанча-қанча лойиҳалар вужудга келди. Дарё ва кўллардаги балиқ ва парандалар, хайвонлар эҳтиёжидан ортиқча овланди ва кўпчилиги йўқ бўлиб кетди. Қачонлардир Амударёнинг ўзидагина 140дан ортиқ балиқ тури бўлганига энди ишониш қийин. Ўрмонларга нисбатан ҳам кўр-кўрона муносабатда бўлиш туфайли ер шарида 100 йил аввал 7200 миллион гектар ўрмондан ҳозир 4100 миллион гектари қолди. Шу сабабли ҳам табиатни муҳофаза қилиш бугунги кунда инсоният олдида турган долзарб муаммо бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги планета миқёсида табиат жараёнларидан оқилона фойдаланиш инсоният учун ҳаётий заруратга айланмоқдаки, фақат шу нарсагина инсонни ернинг чинакам соҳиби қила олади. Бу зарурат табиат билан жамиятнинг онгли инсон фаолияти воситасида ташкил қилинган, ўзаро таъсирнинг соҳаси бўлган, табиат фани томонидан ишлаб чиқилган ноосфера тушунчасида ҳам ўз ифодасини топган. И. В. Вернадскийнинг тасаввурича, XX аср биосфераси аввало фаннинг ўсиши, илмий тушунча ва инсоннинг унга асосланган ижтимоий меҳнати туфайли вужудга келадиган ноосферани яратиш барча мамлакатлар ва қитоалар миқёсида табиат кучларидан режали фойдаланишни кўзда тутди.

Минтақамиздаги экологик вазият ҳам анча мураккабдир. Айниқса, пахтани парвариш қилиш учун кўп миқдорда ва бир неча йиллар мобайнида

ишлатилган захарли кимёвий моддалар туфайли ер, сув, ҳаво захарланиши, Орол муаммоси, Семипалатинск полигоидаги ядровий куролларни портлатиш натижасида неча минг километр атрофдаги вазият ёмонлашмоқда.

Президентимиз И.А.Каримов ўзининг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида” асарида таъкидлаганидек “Экология ҳозирги замоннинг кенг миқёсдаги кескин ижтимоий муаммоларидан биридир. Уни ҳал этиш барча халқларнинг манфаатларига мос бўлиб, цивилизациянинг ҳозирги куни ва келажаги кўп жиҳатдан ана шу муаммонинг ҳал қилинишига боғлиқдир”.

Президентимиз шу муносабат билан республикаимизда вужудга келган ҳавфли вазиятнинг қуйидаги кўринишини кўрсатиб ўтади: ернинг чекланганлиги ва унинг сифат таркибининг пастлашиб бориши; ер ости ва усти сувларининг кескин тақчиллиги ҳамда ифлосланиши; Орол денгизи муаммоси; ҳаво бўшлиғининг ифлосланиши. Айни вақтда экологик ҳавфсизликни кучайтиришнинг 6 та йўналишини таъкидлайди. Булар қуйидагилардир: тегишли технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш; қайта тикланадиган захираларни қайта ишлаб чиқаришнинг табиий равишда кенгайтириш, табиий захираларнинг ҳамма турларидан оқилона фойдаланиш; катта-катта ҳудудларда табиий шароитларни табиий захиралардан комплекс фойдаланиш учун илмий асосланган ҳолда ўзгартириш; жонли табиатнинг бутун табиий генофондини маданий экинлар ва ҳайвонларнинг янги турларини кўпайтириш ҳисобига база сифатида сақлаб қолиш; аҳоли пунктларида яшаш учун қулай шароит яратиш; жаҳон жамоатчилиги эътиборини минтақанинг экологик муаммоларига қаратиш.

Энди инсон табиатдан фойдаланибгина қолмасдан, уни сақлаш ва ҳимоя қилишни ҳам ўз олдига вазифа қилиб қўйиши керак. Табиатни эозозлашда ва сақлашда ҳеч қандай ҳудудий тўсиқлар бўлиши мумкин эмас, чунки бир мамлакатда рўй бераётган экологик инқироз бошқа жойларга ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Табиат муқаддас бир даргоҳ, инсон кўз очиб кўрган дунё бамисоли она қучоғи, инсон учун бешиқдир. Биз яшаб нафас олиб, кун кечириб, тирикчилик ўтказиб турган табиат, унинг таркибий қисми

булмиш Еримиз - ҳамманинг, бутун инсониятнинг умумий уйи, умумий маконидир. Шундай экан, уни кўз қорачиғидек сақлаш атроф-муҳитнинг ифлосланишига йўл қўймаслик умумдават, умумий инсоният ишидир.

Экологик инқироз ишлаб чиқариш инқироzi бўлибгина қолмай, айна вақтда ижтимоий-сиёсий муаммо ҳамдир. Чунки табиатни муҳофаза қилиш - бу ривожланиш ва халқ фаровонлигини оширишнинг заминидир. Шунинг учун ҳам республикамизда табиатни муҳофаза қилишни давлат йўли билан бошқариш ва назорат қилиб туришга катта аҳамият берилаётганлиги бежиз эмас. Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитасининг, Оролни сақлаш, ЭКОСАН ва бошқа жамғармаларнинг таосис этилиши, табиатдан унумли фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муоммоларига оид минтақавий, жаҳон илмий-амалий анжуманларининг ўтказилиши, табиатни муҳофаза қилиш ишларига жамоатчиликни жалб қилиниши ҳам бежиз эмас. Хулоса қилиб айтганда, эндиликда Ерда ҳаётнинг сақланиб қолиши инсонларнинг ўз қўлидадир. Ерда ҳаётнинг сақлаб қолишнинг биринчи навбатдаги шарти ядровий урушнинг олдини олишдир. Тирикликни барҳам этувчи бошқа манбалари ҳам мавжуд бўлиб, улар инсонларнинг турли фаолиятлари билан боғлиқдир. Одамлар буларни тушиниб етсалар, уларнинг олдини олсалар, ўз фаолиятларини ҳаётни барҳам этувчи манбаларга қарши қаратсалар Ер юзида ҳаётни сақлаб қолиш мумкин.

Адабиётлар рўйхати

14. Абдулла Шер. Ахлоқшунослик. Дарслик. -Т.: УФМЖ, 2010.
15. Абдулла Шер. Эстетика. Дарслик. - Т.:Узбекистон, 2016.
16. Основы философии. Учебник. Издание 2-е, переработанное, дополн. /Под ред.М.А.Ахмедовой, В.С.Хана. - Т.: Мехнат. 2004.
17. Пулатова Д. , Иззетова Э. Философия. -Т.: Шарқшунослик, 2012. 340-б
18. Фалсафа. Ахмедова М. Тахрири остида.-Т.: УФМЖ, 2006.
19. Хусанов Б. Гуломов В. Муомала маданияти. Дарслик. - Т.: Иктисод-

молия, 2010.

20. Шарипов М. Файзихужаева Д. Мантик. -Т.: Унверситет, 2007.

21. Шермухамедова Н.А. Фалсафа.-Т.: Ношир, 2012. -1207 б.

22. Плутарх. Сайланма. З.Аълам ва Урфон Отажон таржимаси. - Т.: Янги аср авлоди, 2006.

23. Пулатова Д., Кодиров М., Ахмедова М. ва бошк. Фалсафа тарихи: Шарк фалсафаси. Укув кулланма. -Т.: ТДШИ.2013.

24. Пулатова Д., Рузматова Г., Жалолова У.Ахлоқшунослик. Укув кулланма. - Т.: ТДШИ.2013.

25. Пулатова Д.А., Файзихужаева Д.Э. Мантик. Укув кулланма. Т.:ТДШИ., 2013.

26. Соифназаров И. Курс лекций по философии. - Т.: ТДИУ, 2004.

27. Туленов Ж., Туленова Г., Туленова К. Фалсафа. Дарслик.-Т.:Фан ва технология, 2016.

3-МАВЗУ: БОРЛИҚ ФАЛСАФАСИ ВА УНИНГ ЗАМОНАВИЙ КОНЦЕПЦИЯЛАРИ (2 СОАТ)

Режа:

1. Онтология тушунчаси. Борлиқнинг умумонтологик талқинлари. “Материя” тушунчаси ва унинг тарихий талқинлари. Материянинг замонавий талқинлари. Материянинг тизимли тузилиши.

2. Борлиқ тушунчаси. Борлиқнинг турлари масаласи. Борлиққа мавжудликсифатида ёндашиш. “Постмодерн” борлиғи. Борлиқнинг асосий шакллари тўғрисидаги масала. Табиатобъектларининг тузилиши. Ҳаёт нима? Биосфера. “Инсон борлиғи”. “Ижтимоий борлиқ” муаммоси. XX аср ўзбек фалсафасининг асосчилари.

3. Ноосфера – борлиқ шакли. “Ноосфера” атамаси. “Ноосфера” тушунчаси. Ноосфера ғояси. Онтологияда оламнинг бирлиги масаласи. Оламнинг бир бутунлиги. Оламнинг бирлиги асослари. Жамиятнинг янги тараққиёти босқичида миллий фалсафа мактабининг стратегияси.

Мавзунинг таянч иборалари: Онг, тил, онгнинг тузилиши, ўз-ўзини англаш, “информацион портлаш”; онглилик, маънавият, инъикос, таъсирланиш, сезиш, информация, образ, ижодиёт, қобилият, даҳолик, ижтимоий онг, индивидуал онг, мафкура.

Онг муаммоси билан физиология, кибернетика, информатика, психология, тилшунослик, педагогика, социология каби кўпгина фанлар шуғулланади. Онг фалсафанинг азалий масаласи ҳисобланади. Маълумки, инсон доимо маънавий-руҳий тасаллига мухтож бўлиб яшайди. Онг эса бевосита маънавият билан боғлиқ. Онг маънавиятнинг таркибий қисми. Онг

инсоннинг ўз ўзини англаш, ўз хатти-харакатларини бошқариш орқали маънавиятга ижобий ёки салбий таъсир ўтказиб туради.

Онг энг аввало инсонни ўз-ўзини англаши, теварак атрофдан ўзини ажратиш қобилияти демакдир. Маънавият ҳам инсонни ўз-ўзини англашидир. У ҳолда онг билан маънавиятнинг фарқи нимада?

Онг англаш, воқеликни билишдир. Маънавият шу билим, онг асосида оламга муносабат билдириш, баҳо бериш ва шу асосда амалий фаолият кўрсатишдир. Маънавият одамларнинг одамларга бўлган онгли муносабатида, тилида, дилида, ҳаракатида намоён бўлади. Кишилар қанча онгли бўлса, маънавияти шунча юксак бўлади.

Онг нима? Онг кенг маънода инсоннинг ўз-ўзини, борлиқни англаши, воқеликни адекват инъикос этиши, билими ва шу асосда табиат, жамият ва кишиларга бўлган руҳий-маънавий муносабатидир.

Онгнинг келиб чиқиши ва моҳиятини тушунишда уч омилга эътибор бериш одат бўлган. Биринчидан, онг инсон миясининг ташқи оламни акс эттириш лаёқатидир. Соғлом миягина шу вазифани бажара олади. Медицина, физиология фанлари бу хулосанинг тўғрилигини тасдиқлайди. Иккинчидан, онг - воқеликнинг инъикосидир, лекин оддий эмас, инъикоснинг олий шаклидир. Инъикоснинг истаган бир шакли онг бўла олмайди. Инъикоснинг энг олий шаклигина онг бўла олади. Учинчидан, онг жамият тараққиётининг маҳсули. Инсон биологик моҳият сифатида табиат бағрида дунёга келган бўлса, ижтимоий моҳият сифатида жамият бағрида шаклланган ва ривожланган. Унинг онги ҳам тарихий тараққиётнинг маҳсулидир.

Одам боласи соғлом мияга эга бўлса ҳам, бари бир у инсоний муҳитдан ажралиб қолса, унинг онги ривожланмайди. Фан тарихида бундай мисоллар кўплаб учрайди. Айтишларича, Ҳиндистон шоҳи Акбар қизиқ бир тажриба ўтказди. Унинг топшириғига биноан турли миллат болаларини бошқа одамларга кўрсатмай, фақат соқов энагалар тарбиялайди. Натижа нима билан тугаши сизга аён. Яна бошқа бир мисол, тропик мамлакатларда тасодифан ҳайвонлар ичига тушиб қолган мауглилар қисматини ёдга олинг.

Ҳиндистонлик профессор Синх Амола ва Камола исмли кизалоқларни бўрилар галаси ичидан топиб олади. Албатта, ижтимоий муҳитдан ажраб қолган бу болаларнинг онги, тили, тасаввурлари, қолаверса уларнинг ҳаёти инсоний мазмун ва моҳиятдан маҳрумдир. Уларнинг онги ривожландими? Тили-чи? Нима учун улар узоқ яшай олмайдилар?

Демак, юқорида қайд этганимиз уч омилни ҳисобга олсак, онг юксак даражада ташкил топган материя-миянинг хусусияти, воқелик инъикосининг олий шакли ва кишилиқ тарихий тараққиётининг маҳсулидир эканлигига ишонч ҳосил қиламиз. Шундай қилиб онг инсон миясининг лаёқати, Объектив оламнинг Субъектив образи, воқеликнинг умумлашган ва мақсадга мувофиқ инъикоси, тарихий тараққиёт маҳсули, инсон хулқ-атвори ва ҳаракатини оқилона бошқариб ва назорат қилиб турадиган ҳиссий ва ақлий фаолият бирлигидир.

Онг истак ва майллар, таъсирот ва ҳиссиётлар, руҳий кечинмалар, ўй ва ҳаёллар, шунингдек ғоялар, эътиқодлар, кадрият ва қўлланмалар сифатида мавжуддир. Онг ўзининг структурасига эга бўлган яхлит тизим. Унинг таркибига қуйидаги элементлар киради: сезги, идрок, тасаввур, эмоциялар, ўз-ўзини ҳис этиш, кайфиятлар, тафаккур, тушунча, ҳукм, хулоса, ғоялар, ирода, хотира, диққат, кечинмалар. Буларнинг ичида сезги, ирода, тасаввур, тафаккур, тушунча онгнинг ядросини ташкил этади.

Фалсафий нуқтаи назардан қарасак, онг, онгли деган тушунчаларнинг тескараси онгсизликдир. Онгсизлик нима? Маълумки, инсон фаолиятининг бир томонида онглилик, иккинчи томонида онгсизлик ётади.

Мутахассислар фикрича, онгсизлик номигагина мавжуд эмас, балки индивид руҳий фаолиятининг муҳим томонидир. Онгсизликнинг бир қанча даражалари бор. Биринчи даражаси - инсон ўз жисмининг эҳтиёжлари устидан ўрнатилган, аммо англаб етилмаган руҳий назорат. Бу назорат автоматик, яъни онгсиз равишда амалга ошади, баъзи истаклар, майллар, туш кўришлар, руҳий ҳолатлар ана шундай хусусиятга эгадир.

Онгсизликнинг иккинчи даражаси онг билан бирга ёнма-ён содир

бўлади ("фикр пишди", «мен шундай деб ўйлайман" ёки фикр туғиладию, кейинроқ англаб олинади). Унинг учинчи даражаси бадий, илмий, фалсафий каби ҳолатларни ифодалаб, мураккаброқ (интуиция) тарзда намоён бўлади.

Инсон фаолиятида онгсизлик амал қилишининг сабаби унинг томонидан ўз фаолиятини аввалдан ўйланмаган, назарда тутилмаган мақсад сари йўналтирилмаганлигидир. Ваҳоланки, онгли фаолиятда авваламборининг натижаси ўйлаб олинган бўлади. Аммо амалдаги натижа бошқача чиқиши ҳам мумкин. Инсон фаолиятида онглилик устун туради, акс ҳолда унинг инсоний моҳияти ўз мазмунини йўқотади. Онг ҳақида гап борганда, фалсафа унинг моҳиятини асослашни мақсад қилиб олади.

Онгнинг моҳияти нима? Юқорида айтилганидек, онгнинг моҳияти унинг воқелик инъикоси эканлигидир. Онг борлиқнинг ўзи эмас, балки унинг миядаги нусхаси, образи. Бошқача айтганда, онгнинг моҳияти унинг маънавий ҳодисаси эканлигидадир. Бу ерда моддийлик ва маънавийлик ҳодисалари тўғрисидаги масалани қисқача кўриб чиқиш тақозо қилинади. Аввалам бор моддийлик ва маънавийликнинг нисбати шундайки, улар ўзаро боғланган ва диалектик алоқадорликда мавжуд бўлади.

Ҳаётнинг пайдо бўлиши ва унинг ривожланиши билан организмлар ҳам ривож топади. Биологик эволюция жараёнида организмларнинг тузилиши асаб тизимларининг мураккаблашиб боришига мувофиқ ҳолда тирик мавжудодга хос инъикос шакллари вужудга келади.

Тирик материяга хос бўлган инъикос шаклларига қуйидагилар киради:

- а) таъсирчанлик ёки кўзғалиш; б) сезгирлик, сезиш ёки психик инъикос.

Ижтимоий тараққиёт даражасидаги инъикос шакллари эса қуйидагича:

- а)индивиднинг онгли инъикоси - сезги, идрок, тасаввур, тафаккур ва онг ;б) ижтимоий онгнинг фан, санъат ва ҳоказо кўринишидаги инъикос; в) техникадаги инъикос, бу системаларни бошқариш билан боғлиқ инъикос;

Инъикоснинг бирорта қуйи шакли онг тушунчасини билдирмайди, агар шундай тартибда фикр юритилса, гилозоизмнинг хатоларини такрорлашга олиб келади. Инъикоснинг энг юқори чўққисида турган шакли борки, биз уни

онг деб айтамыз. Шунинг учун онг борлиқ инъикосининг олий шаклидир.

Борлиқни инъикос этишда миянинг роли катта. Инъикос мияга юборилган информация туфайли ҳосил бўлади. Информация борлиқ ҳақидаги маълумот сифатида мияда қайта ишланади, турли образ, нусха ва белгилар сифатида оламни билишга ёрдам беради. Информация моддий олам, ундаги предметлар, ҳодисалар ва уларнинг инъикоси бўлган онгимиз тўғрисидаги турли-туман маълумот ёки ахборотдан иборат. Информация - моддий ёки маънавий бўлиши мумкин. Материянинг механик, физик, химик ҳаракати шаклларига боғлиқ информациялар моддий информациялардир.

Билиш объектининг киши онгидаги инъикоси натижалари образ тушунчаси билан боғлангандир. Образ акс этилувчи объектга нисбатан иккиламчидир. Образ белгиларда ўз ифодасини топади. Белги бошқа предмет, воқеа ёки таъсирдан иборат бўлиб, информация олиш ва бериш, сақлаш, ўзгартириш учун хизмат қилади. Белги образдан торроқ тушунча бўлиб, образнинг хусусий кўринишидир. Онгнинг ўзига хос бўлган муҳим хусияти унинг фаоллигидир. Онгнинг фаоллиги инсон томонидан объектив қонуниятларни англаб, билиб олиш ва ўз манфаати йўлида улардан ижодий фойдаланишни назарда тутаяди.

Онгнинг ижодий фаоллиги инсон ва жамият ҳаётининг ҳамма соҳаларида кўринади. Инсон ўзини табиатдан ажрата бошлаган чоғидаёқ онгнинг бу хусусияти намоён бўлган эди. Онг фаоллигининг юқори босқичи инсоннинг ўз-ўзини англашидан бошланган. Инсон ўз ақли билан табиатда йўқ нарсаларни яратади. Инсон онги объектив оламни фақат акс эттирибгина қолмасдан, уни ижод ҳам қилади. Дунё инсонни қаноатлантирмайди, бинобарин, инсон ўз ҳаракати билан ўз эҳтиёжларини қондирадиган иккиламчи буюмларини яратади. Шу билан бирга ўзини ҳам ўзгартиради. Ижодиёт онг, борлиқ ҳамкорлигида юзага чиқади.

Онгнинг фаоллиги ҳақидаги масала инсоннинг ижодиёти билан узвий боғлангандир. Қадимги юнон файласуфи Афлотун ижодиёт худонинг инсонга берган қобилияти деган эди. Ижодиёт, И. Кант фикрича, буюк истеодод

эгаларига хос қобилиятдир. Зигмунд Фрейд ижодиётни онгсизлик соҳасига хос фаолият, ижодиёт ақлий билиш билан сиғишмайди, деган ғояни олға суради.

Ижодиёт энг аввало инсон томонидан янги нарсани ихтиро қилишдир. Уни яратишда онгсизлик, онг, ақл ҳамкорлик қилади.

Инсон янги билимларни эгалаш, бирор муаммони ҳал қила олиш, янги муаммоларни таърифлаш, номаълум нарсаларни билиш, бирор бир фаолиятнинг янги усулларини излаб топиш қобилиятига эга. Унинг кундалик ҳаётидаги қандайдир ихтироси жамият учун янгилик бўлмаса-да, ҳар ҳолда ижодиёт билан боғлиқдир. Маданият, санъат, адабиёт, фанда тор маънодаги ижодиёт ўз натижалари билан янги нарсанинг яратилишидир. Ўзбекистонда янги фуқаролик жамияти, ҳуқуқий давлат, ўзбекона бозор иқтисоди назарияси ва амалиётининг яратилиши, бу соҳадаги муваффақиятлар ижодиётнинг ёрқин намоёнишидир. Ижодиётни амалга оширишда интуиция (мувоқабат, бевосита қаромат)нинг роли катта.

Инсон ижодий фаолияти ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маънавий соғлом шарт-шароитларга боғлиқ. Шунинг эътиборга олиб Ўзбекистон ҳукумати инсоннинг ижодий имкониятларини тўлиқ намоён бўлиши учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратиш бериш ҳақида алоҳида ғамхўрлик қилмоқда. Қобилиятли, илмга чанқоқ ёшларни танлаб чет элларга юбориб ўқитишни ташкил этилаётганлиги ҳам ижодиётга кенг йўл демакдир. Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш учун “Умид” жамғармасининг ташкил этилиши, олий ўқув юртларида босқичли танлов конкурсларининг ўтказилиб турилиши, талантларни аниқлаш, уларга амалий ёрдам берилаётганлиги ҳам шунга қаратилган.

Ижоднинг ирсий, руҳий ва ижтимоий жиҳатлари бор, албатта. Ижодиётнинг ирсий жиҳатлари тўғрисида гапирганда ҳозирги замон генетикаси ирсият билан боғлиқ бўлган туғма хусусиятларни очиш, уларни маълум мақсадга йўналтиришнинг аниқ йўллари излаш соҳасида сезиларли натижаларга эришиш олдида. Ижодиётнинг руҳий-психологик

жихатлари мазкур жамиятдаги ижод эркинлиги, тафаккур эркинлиги, фикр хилма-хиллиги билан боғлиқ. Шу билан бирга ижодиётни муайян мафкурага зўрлик билан бўйсундириш мумкин эмас, бунинг зарарли оқибатлари ва уларнинг натижалари яқин ўтмишдан маълум. Ижодий жараён босқичлари қобилият, талант истеодод, даҳо, гений тушунчалари билан боғлангандир. Чунончи, қобилият шахснинг хатти-ҳаракатини тартибга соладиган рухий психик хусусиятлар йиғиндисидир.

Инсон қобилияти тарихий тараққиёт маҳсулидир. Қобилият инсоният эришган тараққиёт даражаси билан белгиланади. Яратувчилик қобилияти инсоннинг энг қудратли қуроли бўлиб, шу асосда инсон ижодиёт оламига киради. Қобилият талант тушунчасига яқин туради, аммо улар ўртсида муайян фарқ ҳам бор. Талант юнонча сўз бўлиб, буюк туғма сифат, алоҳида табиий қобилият, лаёқат дегани. Истеъдод эса қобилият, талант ва лаёқатнинг юқори босқичи. Ижодиётнинг энг юксак чўққиси генийлик-даҳолик бўлиб камдан кам одамга насиб этади.

Онгнинг энг муҳим хусусияти унинг ижтимоий мазмуни билан белгиланиши юқорида айтиб ўтилди. Унинг бу фазилати айниқса ижтимоий онг тушунчасида тўлароқ намоён бўлади.

Ижтимоий онг деб ижтимоий борлиқни акс эттирадиган ижтимоий қарашлар, кайфиятлар, ҳис-туйғулар, ғоялар йиғиндисига айтилади. Ижтимоий онг индивидуал онгнинг механик йиғиндиси эмас. Ижтимоий онг индивид онгидан ўзининг умумийлиги, бутун жамиятга тегишли эканлиги билан фарқ қилади. Ижтимоий онгнинг ўзига хос хусусияти унинг ижтимоий борлиққа нисбатан нисбий мустақиллигида намоён бўлади. Бунинг маъноси шуки, у биринчидан, ижтимоий борлиқдан орқада қолиши ёки тезлаб кетиши мумкин. Ижтимоий борлиқ тез, ижтимоий онгнинг айрим шакллари эса секин ўзгаради. Масалан, ахлоқ, дин каби ижтимоий онг шакллари ўта яшовчан бўлади. Диний ва ахлоқий қарашлар кишиларнинг маънавий мулки бўлиб қолганлиги туфайли уларни келтириб чиқарган шароит йўқ бўлиб кетса ҳам, улар аноанага, одатга айланиб узоқ даврлар сақланиб қолади.

Шунингдек ижтимоий онгнинг айрим шакллари (масалан, бадиий адабиёт, фан назариялари) мавжуд ижтимоий борлиқдан олдинлаб кетиши ҳам сир эмас. Илғор мутафаккирлар жамият тараққиётининг умумий қонунларини анализ қилиш асосида келажакда бўладиган ҳодисаларни олдиндан айтиб берадиган назариялар яратишлари мумкин.

Иккинчидан, ижтимоий онг ўзривожланишида ворислик тамойилларига суянади. Янги ижтимоий ғоялар ўтмиш меросга асосланиб ривожланади. Ижтимоий борлиқда ўзгариш бўлса ҳам одамлар ўтмишда яратилган маънавий бойликлардан, ахлоқ, фан адабиёт, саноат, фалсафа ва бошқа ижтимоий онг шаклларида кенг фойдаланади. Бундай ворисликсиз маънавият, ижтимоий онг шакллари ривожлана олмайди.

Учинчидан, ижтимоий онг шаклларида жамият тараққиётидаги фаол ўрни улар (ғоялар, назариялар)нинг инсон турмушини яхшиланишидаги аҳамияти билан тасдиқланади. Илғор ғоялар кишиларни бирлаштиради, муайян вазифаларни бажаришга даоват этади. Етилган муаммоларни ҳал қилишга ёрдам беради. Эскирган қоқоқ ғоя ва қарашлар жамият тараққиётига тўсиқлик қилади. Бинобарин, «токи дунёда тараққиётга интилиш, бунёдкорлик ҳисси бор экан, жамиятда илғор ғоялар туғилаверади» (Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т. 2000, 11-бет)

Ижтимоий онг ҳақида сўз юритилганда кундалик онг, назарий онг тушунчаларини ҳам тавсифлаш зарур. Кундалик онг кишилар амалий фаолиятининг ташқи, назарий онг унинг ички, муҳим томонларини акс этиради. Амалий кундалик ва назарий онг бир-бири билан узвий боғланган, аммо улар бир-бирининг ўрнини боса олмайди. Кундалик онгга қараб ижтимоий ҳодисалар ҳақида баҳх бериш мумкин. Аммо унинг хулосалари нотўғри бўлиши ҳам эҳтимолдан йироқ эмас. Ижтимоий онгнинг яна бир даражаси ижтимоий психологиядир. Ижтимоий психология деб кишиларнинг кундалик ҳаёт шароитлари таъсири остида туғиладиган туйғулар, кайфиятлар, кечинмалар, одатлар, ҳаёллар ва фикрлар йиғиндисига айтилади. Ижтимоий психология ўзининг жўшқинлиги, ҳис-ҳаяжонга тўлалиги,

таъсирчанлиги билан кишиларни ўз ортидан эргаштиради, турли ҳаракатларга рағбарлантиради. Ижтимоий психологияни билиш, яъни кишилар кайфиятини ўрганиш уларнинг муайян ҳодиса ва сиёсий ҳаракатларга муносабатини олдиндан кўра билишда муҳим аҳамиятга эга.

Ижтимоий психология билан мафкура бир-бирига таъсир этиб туради. Мафкура муайян ижтимоий гуруҳ ё қатламнинг, миллат ёки давлатнинг эҳтиёжларини, мақсад ва интилишларини, ижтимоий-маънавий тамойилларини ифода этадиган ғоялар, уларни амалга ошириш усул ва воситалари тизимидир. (Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Олий ўқув юртлари учун қўлланма. Т. «Янги аср авлоди», 2001, 31-бет) Ижтимоий психология ижтимоий қарашлар, ғоялар ва назарияларнинг шаклланишига кучли таъсир қилади. Мафкура ва ижтимоий психологиянинг фарқи шуки, мафкура ижтимоий онгнинг юқори, ижтимоий психология эса унинг кўйи даражасидир.

Мафкура назарий билиш шакли бўлиб, воқеликни бевосита эмас, балки билвосита акс эттиради. Мафкура ўз тузилишига кўра сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, эстетик, диний, фалсафий шаклларни ўз ичига олади.

Тараққиёт мафкурасиз бўлмайди. Мафкура жамиятнинг иқтисодий, сиёсий, маънавий ривожланишига маълум бир мақсад ва йўналиш беради. Республикамизда шаклланган ва ривожланиб бораётган миллий истиқлол мафкураси ўз олдига озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаётни таъминлашни бош мақсад қилиб қўяди, унинг ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, комил инсон, ижтимоий ҳамжиҳатлик, миллатлараро тотувлик, диний бағри кенглик каби асосий ғоялари ана шу умумий ғоядан келиб чиқади. Президент И.А.Каримов ёзганидек, «мафкура бўлмаса, ҳар қайси давлат ва, жамият, қолаверса, ҳар қайси инсон ўз йўлини йўқотиши мумкин» (Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т. «Ўзбекистон», 2000, 5-6 бет) Миллий истиқлол мафкураси одамларимизда мустақил дунёқараш ва эркин тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади, бу унинг асосий вазифасидир. Айни вақтда республикамизда мафкуралар

плюрализми ҳам ҳуқуқий жиҳатдан кафолатланган.

Ижтимоий онгининг хилма-хил шакллари мавжуд: ахлоқ, диний, эстетик, сиёсий, ҳуқуқий, фалсафий, экологик қарашлар, демократик онг, иқтисодий онг ва бошқалар. Ижтимоий онг шакллари тўртта белгига қараб бир-биридан фарқ қилади. инъикос **объекти; шакллари ; ривожланишининг ўзига хос томонлари; ижтимоий функциялари** бўйича.

Билиш ва билим. Билишнинг моҳияти, шаклланиш ва ривожланиш қонуниятлари, хусусиятларини ўрганиш фалсафа тарихида муҳим ўрин эгаллаб келмоқда. Инсон ўз билими туфайли борлик, табиат, жамиятни ва, ниҳоят, ўз-ўзини ўзгартиради. Билишга қаратилган инсон фаолиятини ва уни амалга оширишнинг энг самарали усулларини тадқиқ этиш фалсафа тарихида муҳим аҳамиятга эга. Шу боис ҳам фалсафанинг билиш масалалари ва муаммолари билан шуғулланувчи махсус соҳаси - гносеология вужудга келди.

Инсон билиши ниҳоятда кўпқиррали, мураккаб ва зиддиятли жараёндир. Гносеология асосан билишниинг фалсафий муаммоларини ҳал этиш билан шуғулланади. Ҳар бир тарихий давр жамиятнинг ривожланиш эҳтиёжларидан келиб чиқиб, гносеология олдига янги вазифалар қўяди. Хусусан, XVII аср ўрталарида европалик файласуфлар илмий билишнинг аҳамияти, ҳақиқий илмий билимлар ҳосил қилишнинг усулларини ўрганиш, илмий ҳақиқат мезонини аниқлаш билан шуғулландилар. Тажрибага асосланган билимгина ҳақиқий билимдир, деган ғояни олға сурдилар.

XVIII аср мутафаккирлари илмий билишда инсон ақли им-қониятларига, рационал билишнинг ҳиссий билишга нисбатан устунлигига алоҳида урғу бердилар. Буюк немис файласуфи И. Кант билиш натижаларининг ҳақиқийлиги хусусида эмас, балки инсоннинг билиш қобилиятлари ҳақида кўпроқ баҳс юритди. Гносеология олдига инсон олами била оладими, деган масала кескин қўйилди. Инсоннинг билиш имқониятларига шубҳа билан қарайдиган файласуфлар агностиклар деб аталдилар.

Билиш нима? Билиш инсоннинг табиат, жамият ва ўзи туғрисида

билимлар ҳосил қилишга қаратилган ақлий, маънавий фаолият туридир. Инсон ўзини қуршаб турган атроф-муҳит тўғрисида билим ва тасаввурга эга бўлмай туриб, фаолиятнинг бирон-бир тури билан муваффақиятли шуғуллана олмайди. Билишнинг маҳсули, натижаси илм бўлиб, ҳар қандай касб-корни эгаллаш фақат илм орқали рўй беради. Шунингдек, билиш инсонгагина хос бўлган маънавий эҳтиёж, ҳаётий заруриятдир.

Кундалик фаолият жараёнида тажрибалар орқали билимлар ҳосил қилиш бутун инсониятга хос бўлган билиш усулидир. Билимлар бевосита ҳаётий эҳтиёждан, фаровон ҳаёт кечирish заруратидан вужудга келган ва ривожланган. Инсониятнинг анча кейинги тараққиёти давомида илмий фаолият билан бевосита шуғулланадиган ва илмий назариялар яратувчи алоҳида социал гуруҳ вужудга келди. Булар - илм-фан кишилари бўлиб, илмий назариялар яратиш билан шуғулланадилар.

Билишнинг икки шакли: **кундалик (эмпирик) билиш ва назарий (илмий) билиш** бир-биридан фарқланади. Кундалик билиш усуллари ниҳоятда хилма-хил ва ўзига хос бўлиб, бундай билимларни системалаштириш ва умумлашган ҳолда кейинги авлодларга бериш анча мушкулдир. Ҳозиргизамон ғарб социологиясида халқларнинг кундалик билим ҳосил қилиш усулларини ўрганувчи махсус соҳа - этнометодология фани вужудга келди. Гносеология асосан назарий билиш ва унинг ривожланиш хусусиятларини ўрганиш билан шуғулланади. Назарий билишнинг объекти, субъекти ва предметини бир-биридан фарқлаш муҳим.

Билиш объекти. Тадқиқотчи-олим, файласуф, саноаткор ва бошқаларнинг, умуман инсоннинг билимлар ҳосил қилиш учун илмий фаолияти қаратилган нарса, ҳодиса, жараён, муносабатлар билиш объектлари ҳисобланади. Билиш объектлари моддий, маънавий, конкрет, мавҳум, табиий ва ижтимоий бўлиши мумкин. Билиш объектлари энг кичик зарралардан тортиб улкан галактикагача бўлган борлиқни қамраб олади. Билиш объектларига асосланиб, билим соҳалари табиий, ижтимоий-гуманитар ва техник фанларга ажратилади.

Билиш субъекти. Билиш билан шуғулланувчи кишилар ва бутун инсоният билиш субъекти ҳисобланади. Айрим олинган тадқиқотчи-олимлар, илмий жамоалар, илмий тадқиқот институтлари ҳам алоҳида билиш субъектларидир. Илмий фаолият табиат ва жамият моҳиятини билишгагина эмас, балки инсоннинг ўзига ҳам қаратилиши мумкин. Инсон ва бутун инсоният айтиб бериш вақтида ҳам билиш объекти, ҳам билиш субъекти сифатида намоён бўлади.

Билишнинг мақсади илмий билимлар ҳосил қилишдангина иборат эмас, балки билиш жараёнида ҳосил қилинган билимлар воситасида инсоннинг баркамоллигига интилиш, табиат ва жамиятни инсонийлаштириш, табиий ва ижтимоий гармонияга эришишдир. Фан фан учун эмас, балки инсон манфаатлари учун хизмат қилиши лозим. Инсон илмий билимлар воситасида маънавий баркамолликка эриша боргани сари илм-фан кадрият сифатида эозозлана бошланади. Фаннинг ҳар томонлама ривожланиши билан турли илм соҳаларининг ҳамкорлиги кучаяди, бутун илмий жамоалар билиш субъекти, янги илмий кашфиётлар ижодкорига айланадилар.

Билиш предмети субъектнинг билиш фаолияти қамраб олган билиш объектининг айрим соҳалари ва томонларидир. Фаннинг ўрганиш соҳаси тобора конкретлашиб боради. Табиатшунослик фанларини билиш предметиға қараб ботаника, зоология, география, ихтиология ва бошқа соҳалари вужудға келгандир. Тадқиқот предмети фанларни бир-биридан фарқлашға имкон берадиган муҳим белгидир. Билишдаражаларини шартли равишда: қуйи, юқори ва олий даражаға ажратиш мумкин. Билишнинг қуйи даражаси барча тирик мавжудотларға хос булиб, ҳиссий билиш дсйилади. Ҳиссий билиш сезгилар воситасида билишдир.

Инсоннинг сезги аъзолари (кўриш, эшитиш, ҳид билиш, таом билиш, тери сезгиси) бошқа мавжудотларда бўлгани сингари унинг нарсаларға хос хусусият, белгиларини фарқлаш, табиий муҳитға мослашиш ва ҳимояланиши учун ёрдам беради. Билишнинг қуйи босқичида сезги, идрок, тасаввур, диққат, хаёл ташқи олам тўғрисида муайян билимлар ҳосил қилишға ёрдам

беради. Билишнинг юқори босқичи фақат инсонларгагина хос бўлиб, ақлий билиш (рационал билиш) дейилади. Агар инсон ўз сезгилари ёрдамида нарса ва ҳодисаларнинг фақат ташқи хосса ва хусусиятларини билса, тафаккур воситасида нарса ва ҳодисаларнинг ички моҳиятини билиб олади. Моҳият ҳамини яшириндир, у доимо ҳодиса сифатида намоён бўлади. Ҳар бир ҳодисада моҳиятнинг фақат бир томонигина намоён бўлади. Шу боисдан ҳам ҳодиса алдамчи ва чалғитувчидир. Бинобарин, инсон сезгиларининг бирон бир нарса ёки ҳодиса тўғрисида берган маълумотлари ҳеч қачон унинг бутун моҳиятини очиб беролмайди.

Тушунча. Ақлий билиш ёки тафаккур воситасида билиш ҳиссий билишни инкор этмайди, балки сезгилар воситасида олинган билимларни умумлаштириш, таҳлил қилиш, синтезлаш, мавҳумлаштириш орқали янги ҳосил қилинган билимлардан тушунчалар яратилади. Тушунчада инсоннинг ҳиссий билиш жараёнида орттирган барча билимлари мужассамлашади. Тушунча ақлий фаолият маҳсули сифатида вужудга келади. Нарса ва ҳодисалар моҳиятига чуқурроқ кириб боришда тушунча муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Ақлий билиш ҳиссий билишга нисбатан анча мураккаб вазиддийли жараён дир. Ақлий билишда нарса ва ҳодисаларнинг туб моҳиятини билиш учун улардан фикран узоқлашиш талаб этилади. Масалан, инсоннинг моҳияти унинг сезги аозоларимиз қайд этадиган келишган қадди-қомати, чиройли қошу кўзи, ижодкор кўли, оёқлари билан белгиланмайди. Инсоннинг моҳияти аввало, унинг ақл ва тафаккурга, яратиш қудратига, меҳр-шафқат ҳиссига, меҳнат қилиш, сўзлаш қобилиятига эга эканлигида намоён бўлади.

Инсон тушунчаси ўзида инсониятнинг кўп асрлар давомида орттирган билимларининг маҳсули сифатида шаклланди. Ҳар бир фан ўзига хос тушунчалар аппаратини яратадиганлар воситасида моҳиятни билишга интилади. И. Кантнинг фикрича, нарсаларнинг моҳияти сўз ва тушунчаларда мужассамлашади. Яъни биз сўз ва тушунчаларни ўзлаштириш жараёнида бирон бир билимга эга бўламиз. Ҳар бир инсон дунёга келар экан, тайёр

нарсалар, муносабатлар билан бир қаторда тайёр билимлар оламига ҳам кириб боради.

Ҳукм. Ақлий билиш нарса ва ҳодисаларга хос бўлган белги ва хусусиятларни тасдиқлаш ёки инкор этишни тақозо этади. Тафаккурга хос бўлган ана шу тасдиқлаш ёки инкор этиш қобилиятига ҳукм дейилади. Ҳукмлар тушунчалар воситасида шаклланади. Ҳукмлар янги билимлар ҳосил қилишга имконият яратади, улар воситасида нарса ва ҳодисалар моҳиятига чуқурроқ кириб борилади. Шундай қилиб, ҳукм нарса ва ҳодисаларнинг туб моҳиятини ифодаловчи энг муҳим белги ва хусусиятлар мавжудлигини ё тасдиқлайди ёки инкор этади. Масалан, «инсон ақлли мавжудотдир», деган ҳукмда инсонга хос энг асосий белги - ақлнинг мавжудлиги тасдиқланапти. Бироқ инсон шундай мураккаб мавжудотдирки, унинг моҳияти фақат ақлли мавжудот эканлиги билан чекланмайди. Чунки қирғинбарот урушлар, экологик инқирозлар ақлли мавжудот бўлган инсон томонидан амалга оширилди. «Инсон ахлоқли мавжудотдир». Инсон тўғрисидаги ҳозирги замон фанининг муҳим хулосаси ана шу.

Хулоса - ақлий билишнинг муҳим воситаларидан бири, янги билимлар ҳосил қилиш усулидир. Хулоса чиқариш индуктив ва дедуктив бўлиши, яъни айрим олинган нарсаларни билишдан умумий хулосалар чиқаришга ёки умумийликдан алоҳидаликка бориш орқали бўлиши ҳам мумкин. Бинобарин, тушунча, ҳукм ва хулосалар чиқариш илмий билишнинг муҳим воситалари дир. Бундай билиш инсондан алоҳида қобилият, кучли иродани тарбиялашни, нарса ва ҳодисалардан фикран узоқлашишни, диққатни бир жойга тўплашни, ижодий хаёлни талаб этади.

Билишнинг олий даражаси интуитив билиш, қалбан билиш, ғойибона билишдир. Ўзининг бутун борлиғини фан, дин, сиёсат ва саноат соҳасига бағишлаган буюк кишилар ана шундай билиш қобилиятига эга бўладилар. Интуитив билиш ҳиссий ва ақлий билишга таянади. Буюк шахсларнинг ғойибона билиши уларнинг доимий равишда фикрини банд этган, ечимини кутаётган умумбашарий муаммолар билан боғлиқдир. Илмий билишнинг энг

самарали усулларини аниқлаш гносеологияда муҳим ўрин эгаллаб келди. Ҳар бир фан ўзига хос билиш усулларидан фойдаланади.

Илмий билиш факт ва далилларга, уларни қайта ишлаш, умумлаштиришга асосланади. Илмий факт ва далиллар тўплашнинг ўзига хос усуллари мавжуд бўлиб, уларни илмий билиш методлари дейилади.

Илмий билиш методларини ўрганадиган махсус соҳа -методология деб аталади. Илмий билиш методлари ўз характериға кўра: 1) энг умумий илмий методлар; 2) умумий илмий методлар; 3) хусусий илмий методларға бўлинади.

Энг умумий илмий билиш методлари барча фанлар учун хос бўлган методлардир. Бунға анализ ва синтез, умумлаштириш ва мавҳумлаштириш, индукция ва дедукция, қиёслаш ва моделлаштириш кабиларни кўрсатиш мумкин. Масалан, табиатшунослик фанларида кузатиш, эксперимент, таққослаш умумилмий методлар бўлса, ижтимоий фанларда тарихийлик ва мантиқийлик умумилмий методлар ҳисобланади. Хусусий илмий методлар ҳар бир фаннинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқади. Масалан, суҳбатлашиш, анкета сўрови, ҳужжатларни ўрганиш социология фаниға хос бўлган хусусий илмий методлардир. Бир фанда яхши самара берадиган илмий билиш методи бошқа фанда шундай самара бермаслиги мумкин. Илмий билишда тўғри методни танлаш билишда муваффақият гарови ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, илмий тадқиқотда нимани ўрганиш керак, деган масала фан предметини аниқлашға имқои берса, қандай ўрганиш керак, деган масала эса илмий билиш методини тўғри белгилашға ёрдам беради.

Илмий билиш методлари ва илмий назария бир-бири билан узвий боғлиқдир. Илғор илмий назария фаниинг бутун тараққиёти давомида эришилган муҳим ютуқ бўлиб, у илгариги илмий қарашларни ижодий ривожлантириш, ўша ютуқларға танқидий нуқтаи назардаи қараш орқали вужудға келади. Фан моҳиятан ўзи эришган ютуқларға шубҳа билан қарашни тақозо қилади.

Фан, фалсафа соҳасида эришилган ютуқларни мутлоқлаштириш, уларга кўр-кўрона сиғиниш муқаррар равишда догматизмни келтириб чиқаради. Фан эришган ютуқлар ҳамиша нисбийдир. Лекин бундай нисбийликни мутлоқлаштириш релятивизмни, фан ютуқларига ишончсизлик билан қараш эса, скептицизмни вужудга келтиради. Фан тараққиёти учун догматизм, релятивизм ва скептицизм жиддий халақит беради. Илғор илмий назариялар маълум бир даврда илмий ва фалсафий қарашлар йўналишини ўзгартириши, илмийликнинг ўзига хос мезони бўлиши ҳам мумкин. Масалан, Чарлз Дарвиннинг эволюцион назарияси, А.Эйнштейннинг нисбийлик назарияси фалсафий ва илмий дунёқарашларда муҳим ўзгаришларни вужудга келтирди.

Гносеологияда ҳақиқат тушунчаси муҳим ўрин тутди. Ҳақиқат инсон билимларининг воқеликка мувофиқ кслидир. Ҳақиқатни очиш ёки илмий ҳақиқатга эришиш ҳар қандай илмий билишнинг асосий вазифаси ҳисобланади. Ҳақиқат ўзининг мазмунига кўра мутлоқ ва нисбий бўлиши мумкин. Фан ҳақиқати ҳамиша нисбий характерга эга бўлиб, уларнинг мажмуасидан мутлоқ ҳақиқат вужудга келади.

Ҳақиқат ўз мазмунига кўра ҳамиша объективдир. Яъни унинг мавжудлиги айрим кишиларнинг хоҳиш-иродасига боғлиқ эмасдир. Масалан, Ўзбекистоннинг миллий мустақиллиги объектив ҳақиқатдир. Айрим кишиларнинг бу мустақилликни тан олиш ёки олмаслигидан қатъи назар, бу ҳақиқат ўз мазмунини сақлаб қолаверади. Ҳақиқатни атайин бузиб ёки сохталаштириш охир-оқибатда фош бўладиваўз қадрини йўқотади. Шунингдек, ҳақиқат ҳеч қачон мавҳум эмасдир. У ҳамиша конкретдир. Гегел сўзлари билан айтганда, нимаики воқе бўлса, у ҳақиқатдир, ҳақиқат - воқеликдир. Ҳақиқат мазмунининг конкрет характери жой ва шароитни эътиборга олишни талаб этади.

Гносеологияда табиий-илмий ва ижтимоий билишнинг ўзига хос хусусиятларини англаш муҳим аҳамиятга эгадир. Узоқ йиллар давомида табиатшунослик фанларига хос бўлган объективлик, холислик илмийликнинг муҳим мезони деб ҳисоблаб келинди. Бироқ XX аср ўрталарида фан-техника

инқилоби инсоният олдида пайдо бўлган муаммолар табиатшунослик фанлари олдида кадриятли ёндашув вазифасини кўя бошлади. Ақлли мавжудот бўлган инсон табиатни ўрганишда ҳамиша ўз манфаатларини кўзлайди. Табиат ресурслари чексиз ва битмас-туганмасдир, деган бир ёқлама қараш охир-оқибатда инсон томонидан табиатга нисбатан шафқатсиз муносабатни вужудга келтирди. XX аср охирларига келиб табиатга нисбатан инсонларча, кадриятли муносабатда бўлиш зарурияти чуқурроқ анғлана бошлади.

Табиатшуносликда нисбатан барқарор системалар билиш объекти ҳисобланади. Табиатдаги нарса ва ходисалар тадқиқотчига ҳеч қандай қаршилик кўрсатмайдилар. Ижтимоий билишда эса, нисбатан тез ўзгарувчи системалар билиш объекти ҳисобланади. Ижтимоий билишга хос бўлган муҳим хусусият шундаки, у моддий ишлаб чиқариш соҳаларинигина эмас, балки жамиятнинг анча мураккаб маънавий ҳаётини, ижтимоий-сиёсий муносабатларни, қарашлар ва ғояларни ҳам ўрганади. Ижтимоий фанлар миллий ғоя ва миллий истиқлол мафкурасини шакллантиришда муҳим рол ўйнайди.

Гносеологиянинг мақсад ва вазифалари, билишнинг моҳияти ва мазмуни тўғрисида зарур билимларга эга бўлишни мамлакатимизда билимдон, ҳар жиҳатдан етук баркамол инсон шахсини шакллантиришда алоҳида ўрин тутади. Билиш назарияси бўлажак мутахассис-кадрларда муайян илмий лаёқат ва қобилиятларни шакллантиришда кўмаклашади. Миллий мустақиллик йилларида гносеология олдида қўйилаётган энг муҳим вазифалардан бири илмий билимларнинг жамиятимиз тараққиёти, тинчлиги ва фаровонлиги учун хизмат қилишини таъминлайдиган омил ва механизмларни ўрганиш, улуғ аждодларимизнинг илмий билимларни ривожлантириш борасида орттирган тажрибаларини кенг оммалаштиришдир.

Адабиётлар рўйхати

28. Абдулла Шер. Ахлоқшунослик. Дарслик. -Т.: УФМЖ, 2010.
29. Абдулла Шер. Эстетика. Дарслик. - Т.:Узбекистон, 2016.
30. Основы философии. Учебник. Издание 2-е, переработанное, дополн. /Под ред.М.А.Ахмедовой, В.С.Хана. - Т.: Мехнат. 2004.
31. Пулатова Д. , Иззетова Э. Философия. -Т.: Шарқшунослик, 2012. 340-б
32. Фалсафа. Ахмедова М. Тахрири остида.-Т.: УФМЖ, 2006.
33. Хусанов Б. Гуломов В. Муомала маданияти. Дарслик. - Т.: Иқтисод-молия, 2010.
34. Шарипов М. Файзихужаева Д. Мантик. -Т.: Унверситет, 2007.
35. Шермухамедова Н.А. Фалсафа.-Т.: Ношир, 2012. -1207 б.
36. Плутарх. Сайланма. З.Аълам ва Урфон Отажон таржимаси. - Т.: Янги аср авлоди, 2006.
37. Пулатова Д., Кодиров М., Ахмедова М. ва бошқ. Фалсафа тарихи: Шарқ фалсафаси. Уқув кулланма. -Т.: ТДШИ.2013.
38. Пулатова Д., Рузматова Г., Жалолова У.Ахлоқшунослик. Уқув кулланма. - Т.: ТДШИ.2013.
39. Пулатова Д.А., Файзихужаева Д.Э. Мантик. Уқув кулланма. Т.:ТДШИ., 2013.

Мустаҳкамлаш учун машқлар

Энг қадимги илк дунёқараш шакли?	диний-мифологик
Фақат сабабий боғланишлар орқали дунёнинг фалсафий манзарасини ёритиб берувчи оқим нима деб номланади?	детерминизм
Меъёр категориясининг фалсафий мазмуни.	муайян сифатлар доирасидаги миқдорий ўзгаришлар чегараси
Агностицизм нима?	дунёни билишни инкор этувчи таълимот

4-МАВЗУ: ФАНДА МЕТОД ВА МЕТОДОЛОГИЯ ТУШУНЧАСИ. ИЛМИЙ БИЛИШ МЕТОДЛАРИ (2 СОАТ)

Режа:

1. Фалсафий муаммоларнинг табиати ва хусусияти. Онтология,гносеология, аксиология, логика фалсафанинг асосий қисмлари сифатида.

2. Фалсафа: назария ва метод. Фалсафий мушоҳаданинг тарихий шакллари. Материализм ва идеализм. Рационализм ва иррационализм. Мушоҳада ватажриба. Фалсафа методология сифатида, фалсафанинг методологиктамойиллари: рационализм, эмпиризм, критицизм.

3. Диалектик метод ва унинг муқобиллари. Диалектиканинг тарихий шакллари. Детерминизм. Диалектика категориялари. Сабаб ва оқибат. Зарурият, тасодиф, эҳтимоллик. Қонун тушунчаси, қонун заруриятнинг ифодаси сифатида. Детерминизм ва эркинлик муаммоси.

Сўзимиз бошида фан, фалсафа ва диндаги ўхшашликлар ҳамда фарқларга эпистемологик нуқтаи назардан қисқача тавсиф бериб ўтмоқчимиз. Бу кишилиқ маданиятининг нафақат эпистемологик, балки маънавий-маданий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий ва бошқа аҳамиятларга ҳам эга бўлган мазкур ҳодисаларини демаркация қилиш (ажратиш) масаласини анча енгиллаштиради. Илмий-фалсафий ва диний таълимотларнинг ўхшашлиги ва фарқлари тўғрисидаги масала бир қанча асарларда муфассал таҳлил қилинган.

Илмий билим, илмий таълимотга хос хусусиятлар – объективлик, умумийлик, мантиқий зиддиятсизлик, эмпирик асосланганлик эмас, балки унинг тизимлилигидир. Модомики, барча фалсафий ва диний таълимотлар

муайян тизим шаклида ифодаланган экан, бу ҳолда уларнинг ҳаммаси илмийдир. Шу билан бирга, у шаклан бир-бири билан ўзаро боғлиқ барча илмий, фалсафий ва диний таълимотлар табиат ҳамда инсон ҳақидаги билим тизимларидир.

Илмий таълимотга хос бўлган яна бир жиҳат – унинг ворисийлиги. Бу биз юқорида кўриб чиққан «мувофиқлик тамойили»да ўз аксини топади, маълум соҳадаги янги таълимот айна шу соҳадаги эски таълимотни ўз ичига олади. Бу нуқтаи назардан юқорида зикр этилган уч билим соҳасининг эпистемологик фарқларини аниқлаш имкониятига эгамиз: илмий таълимотларнинг деярли барчаси ворисий ва ўзгарувчан (догматик эмас), фалсафий таълимотлар эса фақат қисман ворисий (бир фалсафий тизимдан бошқа фалсафий тизимга фақат алоҳида муаммолар ҳамда уларнинг ечимлари ўтказилади) ва шунинг учун анча догматик, диний таълимотлар эса деярли ворисий эмас, балки догматикдир (янгиликлар ва маълум чекинишлар уларда ширк деб қораланади).

Теологияга диний таълимотнинг ақлий қисми деб қарайдиган бўлсак, уни қайд этилган онтологияли фалсафий тизим деб таърифлаш мумкин (масалан, иудаизм, христианлик ва ислом учун – Инжилнинг Борлиқ китоби). Диний онтологик тизимда илмий-фалсафий нуқтаи назардан қисман оқилона асослаш мумкин бўлган масалалар (масалан, Худо борлигининг далиллари), фалсафий метафизик тафаккур билан қисман асослаш мумкин бўлган масалалар (масалан, христианларнинг Муқаддас Учлиги), оқилона илмий-фалсафий ёндашув билан ҳам, фалсафий метафизик ёндашув билан ҳам асослаб бўлмайдиган масалалар (масалан, Исо Масихнинг тирилиши) мавжуд.

Бу қисмда «эътиқод ва билим»нинг ўзаро нисбати анъанавий муаммосига мурожаат этамиз. Мазкур муаммо узоқ йиллардан бери муҳокама қилинишига қарамай, у нотўғри таърифланган. Унда илмий-фалсафий ва диний таълимотларнинг назарда тутилувчи дихотомиясини топмаймиз. Бундан ташқари, Худога эътиқод қилиш ўз ҳолича диндорлик

бўла олмайди, маълумки, иблислар ҳам эътиқод қилади. Диндорлик Худонинг борлигига ишонибгина қолмасдан, уни севишни ва унинг кўрсатмаларига амал қилишни ҳам назарда тутди.

Илмий, фалсафий ва диний таълимотларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, «эътиқод» оқилона-эмпирик йўл билан исботлаб бўлмайдиган билим сифатида (ишонч, постулатлар, аксиомалар) ва «билим» оқилона-эмпирик йўл билан исботлаб бўладиган билим сифатида, табиат ва инсон ҳақидаги таълимотларнинг учала шаклида ҳам иштирок этади.

Дарҳақиқат, ҳатто математика ёки табиий фанлар сингари билимнинг ҳақиқий маънода илмий соҳалари замирида ҳам постулатлар ва аксиомалар ётади. Шопенгауэрнинг таъбири билан айтганда, ҳақиқат далилга муҳтож эмас, аммо далиллар исботлаб бўлмайдиган ҳақиқатларга муҳтождир. Бошқа томондан, диний илоҳий ёки теологик таълимотлар маълум даражада тарих, лингвистика, мантик, герменевтика ва фалсафа фанларидаги тадқиқотларнинг натижаларига асосланади. Масалан, табиатнинг яхшилик ва ёмонлик, теодицея, Худонинг борлигини исботлаш каби теологик муаммоларнинг ечиш вариантлари мантиқий-фалсафий даражада яратилган.

Бу ўринда Ибн Рушд ҳақиқатнинг иккиёқламалилиги ҳақидаги таълимотида илгари сурган диний ва илмий-фалсафий билимларнинг ўзаро мувофиқлиги ғояларига тўхталиб ўтиш лозим. Ибн Рушднинг фикрича, дунёни тушунишнинг бу икки турли соҳасини бирлаштириш мумкин эмас, аммо улар ўз соҳасида бир-бирини эътироф этиши керак. Бунда Ибн Рушднинг ўзи Аристотель мантиғидан келиб чиқадиган ҳақиқатни афзал кўрган бўлса керак. Ўзининг «Дин ва фалсафа мувофиқлиги ҳақида» асарида: агар силлогизм диний таълимот билан тўқнашадиган бўлса, у ҳолда диний таълимотни аллегорик талқин қилиш талаб этилади, деб ёзади.

Бир томондан Худони Абсолют борлиқ сифатида мукаммал билиш мумкин эмас. «Худо борми ёки йўқми–билмайман. Инсон ўзининг қисқа умрида бу саволга жавоб бера олмайди», деб ёзган эди Протагор. Аммо бу фақат динсизларнинг фикри эмас, бу қарашни теология ҳам илгари суради.

Бошқа томондан эса, атеистик илмий дунёқараш доирасида табиат ва инсонни ҳам мукамал билиш мумкин эмас.

Шуни ҳам қайд этиб ўтиш керакки, билиш назариясининг муҳим соҳаси—герменевтика (матнларнинг маъносини билиш ҳақидаги таълимот) патристика ва ўрта асрлар диний фалсафий тафаккури заминида фалсафий-илмий билимлар, айниқса, Аристотелнинг мантиғи ва теологиянинг синтези натижасида вужудга келиб, шаклланди. Пировард натижада, герменевтика XIX асрда Шлейермахер ва Дильтей йўналишида, XX асрда эса Гадамер, Хабермас ва бошқаларнинг йўналишида ворисийлик ва тизимлиликнинг барча белги-аломатларига эга бўлган илмий-фалсафий билим сифатида шаклланди. Бу ўринда теологияга ўз онтологиясига кўра яқин фалсафий таълимотлардан ҳам кўпроқ тушунчалар тизимларини тузиш, деконструкция ва таҳлил қилиш методологияси ривожланган фалсафий таълимотлар теология учун кўпроқ фойдали бўлишини қайд этиб ўтиш лозим.

Фалсафа фан учун, шу жумладан, теология учун ҳам, дунёнинг тузилиши ҳақидаги билимлар манбаи эмас, балки теологияда муқаддас китоб ҳамда ақидаларни талқин қилишда ва фанда билиш фаолияти ва билимни ташкил этишда фойдаланиладиган билиш воситаларини бойитиш манбаидир.

Фан фалсафаси ва методологиясида илмий билим тузилиши ва ўсишининг оқилона реконструкциялари амалга оширилади, билиш фаолиятининг тамойиллари, усул, метод ва шакллари аниқланади. Хўш, бундай реконструкциялар қай даражада тўлиқ ва ишончли бўлиши мумкин?

Уларнинг тўлиқ эмаслиги шунинг ўзидаёқ намоён бўладики, илмий билим генезиси, фан фалсафаси ва методологияси фан ҳодисасини тушунишни тўла оқилонлаштиришга ҳаракат қилишига қарамай, фақат инсоннинг онгли эмпирик оқилона фаолияти натижасидагина содир бўлмайди. Бу ҳақда Уайтхед шундай деб қайд этган эди: «Фаннинг антирационалиزمи унинг методологиясини сақлаб қолиш воситаси сифатида қисман ўзини оқлайди... Фикр юритиш методологияси абстракт соҳани чеклашни тақозо этади. Бунга мувофиқ ҳақиқий рационализм ҳамиша ўз

доирасидан четга чиқиши ва конкретликка қайтар экан, ундан илҳомланиши лозим. Шундай қилиб, мағрур рационализм антирационализмнинг шаклларида биридир. У мавҳумликнинг маълум қаторида тафаккурнинг тўхтаб қолишини англатади. Фанда айнан шундай бўлади¹».

Энди фан файласуфи ва методологи фойдаланадиган эмпирик материалнинг информатив хусусиятига тўхталиб ўтмоқчимиз. Хўш, улар нимани таҳлил қилади? «Табиат–инсон билими» занжирининг содалаштирилган схемасини тасаввур қилайлик: табиий объект–табиатни билаётган субъект–онг остидаги ва онгдаги, оқилна ва нооқилна ижодий интеллектуал жараён–аниқ ғояни жамлаш – ғояни назарий жиҳатдан қайта ишлаш–янги билимни оригинал илмий мақола ёки хабарда ифода этиш (дастлабки манба)–янги билимни махсус илмий монография ёки шарҳда ифода этиш–тарихий-илмий асарда ва дарсликда ифодалаш – оммабоп нашрда ва «йиртма календарь» тарзидаги оммабоп нашрларда ифодалаш ва ҳ.к. Хўш, фан файласуфлари ва методологлари нима билан «озикланади»? Улар дастлабки манбага камдан-кам етиб борадилар, аммо дастлабки манба бу ғоя генезисини *ab initio* тавсифлаш эмас, балки билимни идеаллар, нормалар ва шу кабиларга мувофиқ тарзда ифодалаш демакдир. Бунинг устига, ғоянинг муайян асосларига муаллифнинг ишончи алдамчи бўлиши мумкин. Ҳар бир одам муайян ғоя ўзида қачон ва нима сабабга кўра туғилганлигини доимо англаб етавермайди. Онг ости жараёнлари масаласига келсак, уларни умуман англаш мумкин эмас.

Олим ўз тадқиқот предметига мана шу моделлар орқали қарайди (онтологик жиҳат). Фалсафа дунёнинг универсал объектив хусусиятларга эга бўлган энг умумий манзарасини яратади, моддий воқеликни унинг барча белги-аломатлари, ҳаракат шакллари ва фундаментал қонунлари бирлигида ифода этади. Дунёнинг бундай фалсафий манзараси (диний, мифологик манзараларидан фарқли ўлароқ) дунёнинг физик, биологик ва бошқа манзараларини универсал онтологик қоида сифатида ишлаб чиқиш учун асос

¹ Уайтхед А. Избранные работы по философии. М.: Прогресс. 1990. -С 253-263.

ва шарт бўлиб хизмат қилади.

Бошқача қилиб айтганда, фалсафа дунёга умумий қарашни беради. Алоҳида илмий хусусиятга эга бўлган қарашлар янада кенг яхлитлик–воқеликни фалсафий тушунишнинг таркибий қисмлари сифатида юқорида зикр этилган фалсафий қараш асосига қурилади. Айнан мана шу қараш алоҳида илмий қарашларнинг ўрни ва аҳамиятини кўриш, уларни дунёнинг умумий манзарасининг зарур жиҳатлари, ҳолатлари сифатида қайд этиш имконини беради.

Фалсафа дунёга умумий қарашни фақат унинг олдинги (ўтмишдаги) ва ҳозирги ҳолатидагина ифода этмайди. Фалсафа ўзининг билиш фаолиятини амалга ошириш жараёнида ҳар доим инсониятга унинг ҳаёт дунёсининг мумкин бўлган айрим вариантларини таклиф этади. Шу маънода, у прогностик функцияларга эгадир. Хуллас, фалсафанинг маданиятдаги энг муҳим вазифаси фақат инсон оламининг тузилиши ва асослари қандай эканлигини эмас, балки у қандай бўлиши мумкин ва лозимлигини ҳам тушуниб етишдан иборат.

2. Фалсафа тадқиқотчини билиш жараёнининг умумий қонуниятлари, ҳақиқат ҳамда унга етиш йўллари ва шакллари ҳақидаги таълимот билан «қуроллантиради» (гносеологик жиҳат). Фалсафа (айниқса, унинг рационалистик кўринишида) олимга билиш муносабатларининг моҳияти, унинг шакллари, даражалари, дастлабки шартлари ва умумий асослари, унинг ҳақиқийлиги шартлари, билишнинг ижтимоий-тарихий жиҳатлари тўғрисида дастлабки гносеологик кўрсатмалар беради.

Дунёни билиш жараёнини барча хусусий фанлар амалга оширса-да, билишнинг қонуниятлари, шакл ва тамойилларини ўрганиш мазкур фанлар бирортасининг ҳам бевосита предметини ташкил этмайди. Бу билан фалсафа (аниқроғи, унинг асосий бўлимларидан бири - гносеология) махсус шуғулланади. Бунда у билиш жараёнининг алоҳида жиҳатларини таҳлил қилувчи бошқа фанлар (психология, социология, фаншунослик ва б.)нинг

маълумотларига таянади.

Бундан ташқари, ҳар қандай дунёни билиш, шу жумладан, илмий билиш ҳар бир тарихий даврда маълум «мантикий тушунчалар тизими»га мувофиқ амалга оширилади. Фаннинг янги объектларни таҳлил қилишга ўтиши янги тушунчалар тизимига ўтишига сабаб бўлади. Агар маданиятда объектларнинг янги типига мос келадиган тушунчалар тизими юзага келмаса, мазкур объектлар тушунчаларнинг номувофиқ тизими ёрдамида ишлаб чиқиладики, бу уларнинг муҳим хусусиятларини очиш имконини бермайди. Фалсафа ўз тушунчалар тизимини ривожлантириб, шу тариқа табиатшунослик ва ижтимоий фанлар учун бўлажак тушунчалар аппаратини ўзига хос дастлабки дастурини тайёрлайди. Фалсафада ишлаб чиқилган тушунчалардан муайян илмий изланишда фойдаланиш тушунчаларнинг янада бойишига ва уларнинг мазмуни ривожланишига олиб келади.

Сўнги вақтда билиш назариясининг ривожланишидаги янги тенденцияларни таҳлил қилишга, унинг мазмунини ҳозирги замон фани таракқиётидаги янги босқич билан мувофиқ ҳолатга келтиришга қизиқиш кучайди. Шу муносабат билан, жумладан, билишнинг объекти ва объективлиги муаммолари («натуралистик объективизм»ни танқид қилган ҳолда), объектларнинг мавжудлиги ҳақидаги қарашларнинг маълум концептуал тизимга боғлиқлиги, илмий билиш ва унинг методологияси қадрият ва мақсадлар билан ўзаро алоқаси фаол муҳокама қилинмоқда, кўпинча илмий билишнинг «жамоавий субъекти» деб тушунилаётган субъектни билиш фаолиятининг воситалари, амал ва усулларига нисбатан объектнинг нисбийлигини янада қатъийроқ ҳисобга олишга эътибор қаратилмоқда.

Оқилоналик арсеналига «ноанъанавий» хусусиятларни киритиш орқали билимнинг объективлигини янгидан тушуниб етиш мазкур хусусиятларнинг ўзаро алоқаларини янада чуқур таҳлил қилишга, гносеологик ва социологик «концептуал схемалар»ни билишнинг ягона назариясига бирлаштиришга сабаб бўлади. Мураккаб, ўз-ўзини ташкил этувчи, яхлит, ўз-ўзини

ривожлантирувчи, шу жумладан, инсон омили билан боғлиқ бўлган тизимлар (биотехнология, экология, информатика, ижтимоий-маданий соҳа ва ш.к.)нинг жадал ривожланиши ва фан соҳасига киритилиши муносабати билан билиш назариясида муҳим ўзгаришлар содир бўлмоқда. Билиш объектларини ижтимоий-маданий детерминация қилиш масалалари гносеологиянинг муаммолар майдонига тобора кенг кириб келмоқда.

3. Фалсафа фанга маълум тушунчалар асосида таърифланувчи энг умумий тамойилларни беради. Мазкур тамойиллар фанда умумий қоидалар, универсал нормалар, талаблар шаклида реал фаолият кўрсатади. Мазкур умумий қоидалар, универсал норма ва талабларни билиш субъекти ўз тадқиқотида амалга ошириши лозим (методологик жиҳат). Фалсафа борлиқ ва билишнинг энг умумий қонуниятларини ўрганиб, илмий тадқиқотнинг энг умумий методи бўлиб хизмат қилади. Аммо мазкур метод хусусий фанларнинг махсус методлари ўрнини боса олмайди. Зотан, у дунёнинг барча сир-асрорларини очиб берувчи универсал калит эмас, у хусусий фанларнинг муайян натижаларини ҳам, уларнинг ўзига хос методларини ҳам белгиламайди.

Масалан, диалектика тамойиллари маълум мувофиқлаштирилган тизимни ҳосил қилади. Мана шундай тамойиллар биргаликда энг юқори даражадаги методологик дастурни ташкил этади. Улар фақат тадқиқотнинг умумий режасини, унинг стратегиясини белгилайди (шунинг учун ҳам улар стратегик тамойиллар, деб аталади), билишни воқеликни унинг универсал умумий хусусиятларида ўзлаштиришга йўналтиради. Мазкур тамойилларнинг эвристик қудрати уларнинг мазмунига ҳамда улардан тўғри ва ўринли фойдаланилишига боғлиқ.

Фалсафий-методологик дастур «фактларни бичиш ва қайта бичиш»га хизмат қиладиган қатъий схема, «андоза», стереотип эмас, балки тадқиқот учун «умумий қўлланма» бўлиши керак. Фалсафий тамойиллар нормаларнинг механик «тўплами», «қоидалар рўйхати» ҳам эмас. Фалсафий тамойиллар мажмуи–мослашувчан, ҳаракатчан ва очиқ тизим, у

тадқиқотнинг олдиндан ўлчанган, тўла кафолатланган ҳамда муваффақиятга эришиши аён бўлган йўлларини «ишончли таъминлай» олмайди.

4. Фалсафадан олим маълум қарашлар, кўрсатмалар, ҳаёт мазмунига оид мўлжаллар олади. Улар илмий тадқиқот жараёнига ва унинг пировард натижаларига—баъзан анча жиддий (айниқса, гуманитар фанларда) таъсир кўрсатади (аксиологик жиҳат).

Фалсафий тафаккур фақат интеллектуал (оқилона) жиҳатларни эмас, балки ҳар доим маданиятларнинг муайян тарихий типларига мансуб бўлган ва шу билан бирга, бутун инсоният мулки (умуминсоний қадриятлар) ҳисобланадиган маънавий-эмоционал, эстетик ва бошқа универсалликларни ҳам аниқлайди. Фалсафа дунёни тушуниш тажрибасини танқидий «селекция» қилиш, уни жамлаш ва кейинги авлодларга бериш вазифаларини бажаради. Бу билан у олимга дунёни тушунишнинг турли-туман вариантларини («мумкин бўлган оламлар», «дунёқараш образлари») таклиф қилади. Бу вариантлар ҳамини инсон тажрибасининг барча шакллари—амалий тажриба, билиш тажрибаси, эстетик тажриба ва бошқа тажрибаларни ўзида мужассамлаштиради. Фалсафа (айниқса, унинг «экзистенциал вариантлари»да) олимга унинг объектив дунёга (ва ундаги ўз ўрнига) қарашлари тизимини, унинг ҳаётий позицияси, эътиқодлари, идеал, қизиқиш, ахлоқий тамойиллари ва ҳ.к.ни шакллантириш учун жуда катта материал «етказиб беради».

Фойдаланилган адабиётлар

1. Авесто. Тарихий—адабий ёдгорлик. “Шарқ”. Тошкент – 2001.
2. Аристотель. Политика. – М.: АСТ, 2006. – 393 с.
3. Афлотун. Қонунлар. Урфон Отажон таржимаси. Янги асравлоди, 2002. – 458-бет.
4. Берк Э. Правление, политика и общество / пер. с англ. – Канон-Пресс-Центр, 2001.
5. Беруний Абу Райҳон. 100 ҳикмат: ибратли сўзлар. – Т.: Фан, 1993.

6. Бобур. Бобурнома. Т.: Юлдузча. 1989.
7. Гегель Г.В.Ф. Философия права / Пер. Б.Г. Столпнера, М.И. Левиной; Сост. Д.А. Керимов, В.С. Нерсисянц. – М.: Мысль, 1990. – 526 с.
8. Гоббс Т. ... Левиафан или материя, форма и власть государства церковного и гражданского. – М.: Соцэскиз «Образцовая», 1936. – 503 с.
9. Ибн Сина. Избранные философские произведения / Отв. ред. Асимов М.С. – М.: Наука, 1980. – 554 с.
10. Кант И. Идея всеобщей истории во всемирно-гражданском плане. К вечному миру (2-ое изд., испр. и доп.). – Алматы: Жетжаргы, 2004. – 158 с.
11. Локк Дж. Сочинения: В 3-х т. Т.3. (Пер. с англ.) / Ред. и авт. примеч. И.С. Нарский, А.Л. Субботин. – М.: Мысль, 1988. – 668 с.
12. Макиавелли Н. Сочинения. Государь.-М.:, 1996.
13. Навоий А. Махбубул-кулуб.-Т.:Адабиётвасанъат, 1988. – 208 б.
14. Навоий А. Садди Искандарий.- Т.: Адабиётвасанъат, 1978. - 330 б.
15. Низомул мулк. Сиёсатнома ёки сиярул-мулк.- Т.: Адолат, 1997. – 255 б.
16. Платон. Государство// Платон. Соч. в 3-х томах. Т. 3. Часть I. М., 1971.

МУСТАҲҚАМЛАШ УЧУН МАШҚЛАР

Савол	Жавоб
Лотинлаштирилган номи ”Алфрганус” бўлган Марказий Осиёлик файласуф ким эди?	Ал Фарғоний
Арасту асарларининг шархловчиси бўлган биринчи араб файласуфи ким?	Ал Киндий
Теология бу нима?	Худо ҳақидаги таълимот
Томизм асосида нима ётади?	Арасту таълимоти

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР

1-мавзу: Ҳозирги замон методологияси: куматоид, кейс стади, абдукция (2 соат)

МАЪРУЗАДА ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

<i>Тингловчилар сони:</i>	Вақти: 2 соат.
<i>Ўқув машғулотининг шакли</i>	Кириш – мавзу бўйича визуаллашган маъруза
<i>Маъруза режаси</i>	<ol style="list-style-type: none">1. Ҳозирги шароитда фалсафа, методология ва хусусий фанлар ўзаро муносабатнинг умумий муаммолари.2. Методология тушунчаси ва фаннинг методологик таҳлили. Фалсафий методология назарий ва амалий фаолиятни ташкил этиш ва тузиш усуллари ҳамда тамойиллари тизими.3. Ҳозирги замон методологияси: куматоид, кейс стади, абдукция.
<i>Ўқув машғулотининг мақсади</i>	Фалсафа фани, унинг атамаси, дунёқараш тушунчалари бўйича тингловчиларни бир хил фикрлаш инерциясидан холи қилиш ва катта миқдордаги фалсафа ва дунёқараш атамаларининг таърифлари, предметнинг мазмун, моҳияти тўғрисида тўлиқ тушунча ҳосил қилиш.
<i>Педогогик вазифа:</i> - «Фалсафа» атамасининг моҳияти ва мазмуни, унинг тарихий ва замонавий талқинларини таништириш; - Фалсафанинг баҳс мавзулари ва уларнинг мақсадларини моҳиятини очиб бериш;	<i>Ўқув фаолиятининг натижаси:</i> <ul style="list-style-type: none">• «Фалсафа» атамасига Ғарб ва Шарқда берилган талқинларининг моҳияти билан танишади;• Фалсафанинг таркибий қисми, вазифалари, мақсадларини санаб беради ва очиб беради;• Дунёқараш тушунчаси, унинг моҳияти ва

- Дунёқараш тушунчаси, унинг моҳияти ва мазмунини ёритиб бериш; - Дунёқараш тушунчасининг тарихий турларини ва мазмун моҳиятини очиб бериш	мазмун билан танишади; • Мифологик, диний ва фалсафий дунёқараш ва унинг таърифларини, пайдо бўлиш босқичларини санаб беради ва изоҳлайди;
<i>Ўқитиш усуллариватехника</i>	Маъруза,намойиш, блиц-сўров, пинборд техникаси, ақлий ҳужум.
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Маъруза матни, компьютер технологияси («Фалсафа» фанидан электрон ўқув-услугий мажмуа), слайдлар.
<i>Ўқитиш шакли</i>	Фронтал, коллектив иш
<i>Ўқитиш шарт-шароитлари</i>	Гуруҳий,якка тартиб қўллаш мумкин бўлган ўқув хона.
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Оғзаки назорат, ёзма назорат.

Маърузанинг технологик харитаси

Иш жараёнлари вақти	Фаолиятнинг мазмуни	
	ўқитувчи	тингловчи
1 босқич. Кириш (15 дақиқа)	1.1. Ўқув фанининг номини айтади, предметнинг дастлабки умумий тасаввурини беради. Услугий ва ташкилий томонлари, тингловчилар билимларини баҳолаш мезонларини ва фан структурасини таништиради. (1-илова) 1.2. Мазкур фаннинг ўрганиладиган мавзулари бўйича назарий ва амалий машғулотлар, уларнинг узвийлиги ҳақида қисқача маълумот беради. Асосий адабиётларнинг рўйхати билан таништиради. (2-илова) Ўқув дастурини тингловчиларга	Тинглайди ва ёзади Мавзу номини ёзиб оладилар Саволларга жавоб беради

	<p>таништиради.</p> <p>1.3. Маъруза дарсининг мақсади ва ўқув фаолияти натижаларини айтади. Тингловчиларни суҳбат тортиш учун жонлантирувчи саволлар беради. (3-илова).</p>	
<p>2 босқич. Асосий жараён (55 дақиқа)</p>	<p>2.1. Маъруза режасининг барча саволлари бўйича визуал материални намойиш қилади. (4-илова)</p> <p>Мавзунинг асосий жойларини ёзиб олишларини сўрайди.</p> <p>Таянч билимларини текшириш мақсадида фаоллаштирувчи савол-жавоб ўтказади. (5-илова)</p> <p>Жавобларни тўғрилайди ва хулосалайди.</p> <p>2.2. Мавзунинг таянч иборалари Пинборд усулида ўрганилади. Мавзуга оид бўлмаган иборалар олиб ташланиб, керакли тушунча ва иборалар қўшилади. Берилган жавобларни тўғрилайди, доскага ёзиб беради ва хулосалайди. (6-илова)</p> <p>2.3. Тўғри жавоб берган тингловчиларни рағбатлантиради.</p>	<p>Тинглайди, ўрганади, Ёзади, аниқлайди, саволлар беради.</p> <p>Асосий жойларини ёзади</p> <p>Саволларга жавоб беради</p> <p>Ҳар бир таянч тушунча ва ибораларни муҳокама қилади. Ёзади.</p> <p>Жавоб беради</p>
<p>3 босқич. Якуний босқич (10 дақиқа)</p>	<p>3.1. Мавзу бўйича умумий хулоса қилади.</p> <p>3.2. Фаол иштирок этган талабаларнинг билим ва кўникмаларини баҳолайди.</p> <p>3.3. Навбатдаги машғулотда кўриладиган масалани эълон қилади, ва мустақил тайёргарлик кўришларини сўрайди.</p> <p>3.4. Тингловчиларга уйга вазифа</p>	<p>Тинглайди</p> <p>фаол тингловчилар баҳоланади</p> <p>Мустақил ишлаш учун топшириқни ёзиб олади</p>

	<p>қилиб:</p> <p>(1).“Фалсафа ва фикр” мавзусида эссе ёзиб келиш; (7-илова)</p> <p>(2). Маъруза анжуман дарсининг докладлар мавзуси берилади. (8-илова)</p> <p>(3). Келгуси мавзу эълон қилинади ва семинарга тайёрланиб келишни айтади.</p> <p>(4). Ўз-ўзини назорат юзасидан саволлар билан танишади. (9-илова).</p> <p>(5). Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати билан танишади.</p>	<p>Докладлар мавзусига тайёрланади.</p> <p>ЎУМга қаранг</p> <p>ЎУМга қаранг</p>
--	--	---

1.2.Амалий машғулотни ўқитиш технологияси

<i>Тингловчилар сони:</i>	<i>Вақти:</i> 2 соат.
<i>Ўқув машғулотининг шакли</i>	Билимларни чуқурлаштириш ва мустахкамлашга қаратилган амалий машғулот
<i>Амалий машғулот режаси</i>	<p>Фалсафанинг предмети ва асосий мавзулари.</p> <p>Фалсафанинг асосий масаласи.</p> <p>Дунёқараш тушунчаси, унинг шакллари ва тарихий турлари.</p> <p>Мустақиллик ва фалсафий дунёқарашнинг ўзгариши.</p>
<i>Ўқув машғулотининг мақсади</i>	Фалсафа фани, унинг атамаси, дунёқараш тушунчалари тўғрисидаги билимларини мустахкамлаш ва чуқурлаштириш.
<p><i>Педогогик вазифа:</i></p> <p>- «Фалсафа» атамаси ва предметига Пифагор ва Афлотун томонидан берилган назарий билимларни мустахкамлаш;</p>	<p><i>Ўқув фаолиятининг натижаси:</i></p> <p>«Фалсафа» атамасига ва предметига Пифагор ва Афлотун томонидан берилган назарий билим асосидаги таърифни бера олади;</p> <p>Абу Наср Фаробийнинг фалсафа фанини</p>

<p>- Абу Наср Фаробийнинг фалсафа фанини тараққиётидаги кўшган хиссасини тахлил этиш</p> <p>-Фалсафада миллийлик ва умуминсонийликни англаб этиш;</p> <p>- Дунёқараш тўғрисидаги билимларни чуқурлаштиради ва ижодий ишни ташкил этади;</p> <p>- Мустақиллик ва фалсафий дунёқарашнинг ўзгаришини ёшлар камолотига таъсирини назарий кўрсатиб бериш.</p>	<p>тараққиётидаги кўшган хиссасини тахлил этади;</p> <ul style="list-style-type: none"> • Ўзбек фалсафаси тўғрисидаги қарашларнинг бугунги кундаги ахамиятини тушунтириб беради; • Мифологик, диний ва фалсафий дунёқараш ва унинг таърифларини айтади ва пайдо бўлиш шарт-шароитларини тахлил этади; • Мустақиллик йилларида ёшларга берилган кенг имкониятлар билан танишади.
<p><i>Ўқитиш усулларива техника</i></p>	<p>Амалий машғулот, бир-биридан ўрганиш усули; графикли органайзер</p>
<p><i>Ўқитиш воситалари</i></p>	<p>Дарслик, компьютер технологияси, слайдлардан фойдаланиш</p>
<p><i>Ўқитиш шакли</i></p>	<p>«Такдимот», «Лойиха» «гуруҳларда жуфтлик ёки кичик гуруҳларга бўлиниб ишлаш», блиц-ўйин.</p>
<p><i>Ўқитиш шарт-шароитлари</i></p>	<p>Техник воситалар билан таъминланган, ўқитиш усулларини қўллаш мумкин бўлган ўқув хона.</p>
<p><i>Мониторинг ва баҳолаш</i></p>	<p>Оғзаки назорат, ёзма назорат, ўқув топшириқ</p>

Амалий машғулотнинг технологик харитаси

Иш жараёнлари вақти	Фаолиятнинг мазмуни	
	Ўқитувчи	Тингловчи
<p>1 босқич. Кириш (10 дақиқа)</p>	<p>1.1. Тингловчиларга уйга вазифа қилиб берилган “Фалсафа ва фикр” мавзусида ёзилган эссени текширади, баҳолайди.</p> <p>1.2. Ўқув машғулотининг</p>	<p>Уйга маъруза дарсида берилган вазифани топширадilar.</p> <p>Тинглайди. Ёзади</p>

	<p>мавзусини, мақсадини, ўтказиш тартибини эълон қилади.</p> <p>1.3. «Фалсафанинг предмети ва асосий мавзулари. Фалсафий дунёқараш» мавзуси бўйича тингловчиларнинг билимларини фаоллаштириш мақсадида блиц-сўров ўтказилади. (1-илова)</p> <p>Жавобларни аниқлаштиради, хатоларни тўғрилайди, хулосалайди.</p> <p>1.3. Мавзу бўйича таянч иборалар ва амалий машғулот мавзуси, режасига изох беради (2-Илова).</p> <p>1.4. Машғулотни ўтказиш шакли ва баҳолаш мезонларини эълон қилади (3-Илова).</p>	<p>саволларга жавоб беради.</p> <p>Таянч иборалар билан танишади</p>
<p>2 босқич. Асосий жаран (60 дақиқа)</p>	<p>2.1. «Фалсафа» атамасига ва предметиға таърифни ҳамда Фалсафанинг пайдо бўлиши, таркибий қисми, вазифалари, мақсадлари келиб чиқиш шарт-шароитларини «лойиха» технологияси асосида органайзерларда ишлаб чиқишни ташкил этади (4-Илова).</p> <p>Ўқитувчи тингловчиларға мурожаат қилади ва энг тўғри жавоблар ҳамда фикрларни қайд қилади.</p> <p>2.2. Тингловчиларни 4 та гуруҳларға бўлиш орқали Хозирги замон фалсафасининг долзарб муаммалари тўғрисидаги қарашларнинг бугунги кундаги ахамиятини ҳамда мифологик, диний ва фалсафий дунёқараш, уларнинг таърифларини, пайдо</p>	<p>Топширикни бажа-ришда “Лойиха ” кетма-кетлигини тузади ва органайзерларни тўлдиради.</p> <p>4 та кичик гуруҳға бўлиниб биргаликда аниқ қўйилган масалани, маълум белгиланган вақт ичида ўзаро фикр алмашиш, мулоқот қилиш орқали органайзерни тўлдиради</p> <p>Гуруҳлар тақдимот</p>

